БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 162 (7609)
13 ИЮЛЬ
ПАЙШАНБА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш мамлакатимизнинг ҳамма жойларида кучайиб кетди. СССР да Стокгольм Мурожаатига имзо тўплашнинг муваффақиятли бориши совет жамияти ма'навий - сиёсий бирлигини, совет халқининг ўз ҳукуматига, большевиклар партиясига ва тинчликнинг улуғ байроқдори ўртоқ Сталинга бўлган садоқатини кўрсатадиган қудратли намойишга айланмоқда.

Совет Иттифоқи халқларининг қудратли бирлиги

Бугун «Правда» газетаси тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатига имзо тўплаш юзасидан бошланган кампания-сидай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотини эълон қилди.

Ахборотдан ма'лум бўлишича, кампания бошлангандан буён, я'ни 30 июньдан 10 июльгача Стокгольм Мурожаатига Совет Иттифоқида 96.360.866 совет граждани қўл қўйган.

Тинчлик тарафдорлари Доимий Комитетининг Мурожаатига имзо тўплаш кампанияси бизнинг мамлакатимизда чинакам умумхалқ иши тусини олди. Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш Совет Иттифоқининг барча иттифоқчи ва автоном республикаларида муваффақият билан ўтмоқда. Кўп миллатли мамлакатимизнинг барча халқлари атом қуролини тақиқлаш ва агрессия ҳамда одамларни қўплаб қириш қуролини биринчи бўлиб ишлатучи ҳукуматни ҳарбий жиноятчи деб эълон қилиш тўғрисидаги чақириқни якдиллик билан қувватламоқдалар.

«Имзо тўплаш кампанияси, — дейилади тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг ахборотида, — ҳамма жойда сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жуда ошган бир вазиятда ўтмоқда. Йиғилиш ва митингларда юз мингларча совет кишилари гапирдилар. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, совет хотин-қизлари ва ёшлар Совет ҳукуматининг тинчлик сиёсатини қизғин ма'қулламоқдалар ва СССР меҳнаткашларининг бошқа мамлакатлардаги халқлар билан бирга тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини ҳимоя қилишга тайёр эканликларини якдиллик билан билдирмоқдалар».

Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш Совет Иттифоқи халқлари бузилмас дўстлигининг янада кучли намойишига, уларнинг бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилиш буюк иши учун оғишмай курашишга тайёр эканликларини кўрсатучи намойишга айланди. Ҳаётбахш совет ватанпарварлиги, СССР халқларининг ма'навий-сиёсий бирлиги, уларнинг Совет ҳукумати, большевиклар партияси атрофига, улуғ доҳи ва устоз ўртоқ Сталин атрофига жипслашганликлари янада ёрқинроқ кўринмоқда.

СССР Олий Советининг Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Мурожаатини қувватлаш ҳақидаги Баёноти бутун халқимизнинг иродасини ифода қилади. Совет кишилари тинчлик тарафдорларининг тинчликни ҳимоя қилишга қаратилган, янги уруш оловини ёқучи империалистларга қарши қаратилган уюшган фронтини қизғин қувватламоқдалар. СССР халқлари тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат адолатли ва олижаноб ишнинг муваффақияти учун куч-қувватларини аямайдилар.

Бизнинг мамлакатимизда урушдан манфаатдор бўлган ижтимоий гуруҳлар ҳам, айрим кишилар ҳам йўқ. Совет ижтимоий ва давлат тузумининг буюк афзалликлари, бизнинг мамлакатимизда халқлар ўртасида вужудга келган қардошлик муносабатларининг кучи ва улуғворлиги ана шу нарсада ёрқин кўринмоқда. Ўтмишда эзилган миллатлар совет халқларининг дўстона оиласида, Ленин—Сталин партиясининг раҳбарлиги остида, буюк рус халқининг ёрдами сосиясида сиёсий, хўжалик ва маданий жиҳатдан мислсиз яшнадилар. Улар ҳозирги вақтда ижодий меҳнат билан машғулдирлар, улар мустаҳкам тинчликдан астойдил манфаатдордирлар.

Буюк Совет Иттифоқидаги барча миллатларнинг меҳнаткашлари Совет ҳукуматининг тинчликдан иборат сталинча ташқи сиёсатини зўр якдиллик билан ма'қулламоқдалар.

— Биз, Совет кишилари, — деди Москвадаги «Динамо» заводининг кекса ишчиси ўртоқ Волков, — жонажон большевиклар партиямиз томонидан халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик руҳида тарбияланганмиз. Давлат ҳокимиятимиз олий органининг Стокгольм Мурожаатига хайрихоҳлик ҳақидаги Баёноти — сталинча доно тинчлик сиёсатининг янги далилидир.

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари большевиклар партияси ва Совет ҳукуматининг сиёсати ўзларининг ҳаётий манфаатларини ифода қилаётганини кўриб турибдилар.

Совет халқи, — деди Ригадаги тўқимачилик комбинати ишчиларининг йиғилишида цех бошлиғи ўртоқ Клявинь, — уруш етказган жароҳатларни муваффақиятли суратда даволамоқда. Совет халқи тинч ижодий меҳнат билан машғул. Жонажон совет ҳукуматимиз тинчлик сиёсатини изчиллик билан қат'ий амалга ошириб келмоқда. Барча совет кишилари каби латиш халқи ҳам бу доно сиёсатни қизғин ма'қуллайди.

Совет Иттифоқида Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини мамлакатимиз меҳнаткашлари яхши биладилар. Улар социалистик давлатимизнинг улуғворлиги ва қудрати билан, унинг қат'ий ва изчил тинчлик сиёсати билан фахрланадилар. Бутун ер куррасининг оддий кишилари тинчликнинг мустаҳкам таянчи бўлган Совет Иттифоқига умид кўзларини тикадилар. Киевдаги кема ремонти заводи коллективининг йиғилишида ишчи ўртоқ Гайдук ҳамманинг фикрини ифодалаб шундай деди:

— Юз миллионлаб кишилар тинчлик учун курашмоқдалар. Биз қудратли тинчлик фронтининг биринчи сафларида Совет Иттифоқи бораётгани билан, бу курашга тинчликнинг улуғ байроқдори Иосиф Виссарионович Сталин раҳбарлик қилаётгани билан фахрланамиз.

Совет кишилари Стокгольм Мурожаатига бағишланган оммавий митинг ва йиғилишларда Қурияда очиқдан-очиқ интервенция бошлаган америкали уруш оловини ёқучиларнинг ҳатти-ҳаракатларини қораламоқдалар ҳамда сулҳпарвар қурия халқига қарши қуролли агрессияни тўхтатишни талаб этмоқдалар. Совет Ватанимизнинг ҳамма ерида, Совет Ватанимиздаги барча халқлар тилида: «Қуриядан қўлингни торт!» деган қат'ий талаб жаранглаб эшитилмоқда.

Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг секретарияти тинчликни ҳимоя қилиш Қурия комитетининг мактубига берган жавобида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини бузган Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доираларини босқинчилар ва уруш оловини ёқучилар деб ла'натлади ва шу билан бутун тараққийпарвар инсониятнинг хоҳишини ифода қилди, ўз озодлига ва миллий бирлиги учун қурашаётган қурия халқи билан хайрихоҳ эканлигини изҳор этди ҳамда Қуриядаги ҳарбий интервенцияни тўхтатишни талаб қилди. Бу талаб—ирқи ва миллатидан, сиёсий ва диний эътиқодларидан қат'ий назар, тинчлик тарафдорларининг қудратли фронтига уюшган бутун ер куррасилаги юз миллионлаб кишиларнинг номидан қўйилган талабдир.

Тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг таянчи бўлган Ватанимиз нақадар қучли ва қудратли бўлса, тинчлик учун кураш шунчалик муваффақиятли ва тинчлик лагери шунчалик кучли бўлишини совет кишилари яхши тушунадилар. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар социалистик мусобақани янада кенгроқ ривожлантирмоқдалар, стахановча тинчлик вахтасида турмоқдалар, меҳнат унумини оширмоқдалар, ўз зиммаларига янгидан-янги мажбуриятлар олмоқдалар. Совет кишилари Стокгольм Мурожаатига чеккан имзоларини Совет давлатининг қудратини мустаҳкамлашга қаратилган фидокорона меҳнат билан мустаҳкамламоқдалар. Социалистик саноат ходимлари стахановча тинчлик вахталарида туриб, қудратли совет техникасидан тўлароқ фойдаланиш учун курашмоқдалар, ишлабчиқариш планларини оширишга эришмоқдалар. Ўрим-йиғим бошланган районларнинг колхозлари ва совхозлари ўрим-йиғим ишларини намунали ўтказиш ҳамда давлат олдидаги мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун мусобақалашмоқдалар.

Туркманистон колхозчилари давлатимизнинг тинчлик сиёсатини ма'қулладилар, — деди колхозчилар йиғилишида сўзга чиққан ёш колхозчи Ораз Муролов. — Бу сиёсат — тинчлик ва халқлар дўстлиги сиёсатидир. Бутун дун'ёда тинчликни та'минлаш — азиз мақсадимиздир. Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиб, биз бу йил ҳосил юзасидан берилган топшириқни анча ошириб бажаришга ва'да қиламиз. Бу — бизнинг тинчлик ишига қўшган ҳиссамиз бўлади.

Совет халқининг тинчликни ҳимоя қилувчи қудратли овози ер куррасининг ҳамма ерида эшитилмоқда. Чунки бу овоз—қолиб халқнинг овозидир, гитлерчилар Германияси ва империалистлар Япониясини тор-мор келтирган ҳамда дун'ёдаги халқларни фашизм қулларининг хавфидан озод қилган халқнинг овозидир. Бу овоз — одамзод учун социализм йўлини очиб берган ва эндиликда улуғ Сталининг етакчилигида коммунистик жамиятнинг нурли биносини муваффақиятли қураётган ижодкор халқнинг овозидир.

(«ПРАВДА»нинг 12 июльдаги бошмақоласи).

Стокгольм Мурожаатига 96.360.866 совет граждани қўл қўйди

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетида

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети олган ма'лумотларга қараганда, Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатига имзо тўплаш юзасидан СССРда бошланган кампания чинакам умумхалқ ҳаракати тусини олди.

Кампания бошлангандан буён, я'ни 30 июньдан 10 июльгача Совет Иттифоқида Стокгольм Мурожаатига 96.360.866 граждан қўл қўйди.

Мамлакатнинг ҳамма районларида, шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам Мурожаатга имзо тўплаш кучайиб кетди. Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг Ердам комиссияларидан олган ма'лумотларига кўра, мамлакатнинг кўпгина йирик саноат марказларида — Москва, Ленинград, Киев, Минск, Боку, Тбилиси, Тошкент, Рига, Сталинград, Новосибирск, Свердловск, Горький, Харьков, Куйбишев, Қозон, Одесса, Сталино, Ростовда аҳолининг жуда кўпчилиги Мурожаатга қўл қўйиб бўлди.

Совет Иттифоқининг ҳамма иттифоқчи ва автоном республикаларида имзо тўплаш муваффақиятли бормоқда. Кўп миллатли мамлакатимизнинг барча халқлари атом қуролини тақиқлаш ва бу агрессия ҳамда одамларни қўплаб қириш қуролини биринчи бўлиб ишлатучи ҳукуматни ҳарбий жиноятчи деб эълон қилиш тўғрисидаги чақириқни якдиллик билан қувватламоқдалар.

Имзо тўплаш кампанияси ҳамма жойда сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жуда ошган бир вазиятда ўтмоқда. Йиғилиш ва митингларда юзмингларча совет кишилари гапирдилар. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, совет хотин-қизлари ва ёшлар Совет ҳукуматининг тинчлик сиёсатини қизғин ма'қулламоқдалар ва СССР меҳнаткашларининг бошқа мамлакатлардаги халқлар билан бирга тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини ҳимоя қилишга тайёр эканликларини якдиллик билан билдирмоқдалар.

Совет кишилари оммавий митинг ва йиғилишларда Қурияда очиқдан-очиқ интервенция бошлаган америкали уруш оловини ёқучиларнинг ҳаракатларини қораламоқдалар ва ҳурриятпарвар қурия халқига қарши бошланган қуролли агрессияни тўхтатишни талаб қилмоқдалар.

Совет ишчилари, колхозчилари, ақлий меҳнат ходимлари Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Мурожаатига қўл қўйиб бутун дун'ёдаги тинчлик посбони бўлган Совет давлатининг қудратини мустаҳкамлашга қаратилган фидокорона меҳнатлари билан тинчлик ишини астойдил ҳимоя қилишга интилаётганликларини та'кидламоқдалар. Завод ва фабрикаларда колхозларда, МТС ва совхозларда меҳнаткашлар стахановча тинчлик вахтасида ишлаб, ишлабчиқариш планларини ошириб бажармоқдалар, маҳсулот сифатини яхшиламоқдалар ва унинг таннархини камайтирмоқдалар. Мамлакатнинг ҳосилни ўриб-йиғиб олиш бошланган районларида давлатга муддатидан илгари ғалла топшириш ташкил қилинмоқда.

СССРда Стокгольм Мурожаатига имзо тўплашнинг муваффақиятли бориши совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлигини, совет халқининг ўз ҳукуматига, большевиклар партиясига ва тинчликнинг улуғ байроқдори ўртоқ Сталинга бўлган садоқатини кўрсатадиган қудратли намойишдир.

Тинчлик тарафдорлари Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатига имзо тўплаш давом этмоқда.

Стахановча меҳнат қилиб тинчликни мустаҳкамлаймиз

Тошкентдаги Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводида қозон цехининг стахановчиси слесарь Бозор Рустамов Стокгольм Мурожаатига ҳаммадан олдин қўл қўйди. Ўртоқ Рустамов иш жойига қайтиб келгач, ўртоқларига бундай деди:

— Стахановча меҳнат қилиш янги уруш оловини ёқучиларнинг найрангларига қарши энг яхши зарба бўлади. Биз ҳозиргига қараганда ҳам яхшироқ ишлаб, тинчликни янада мустаҳкамлашимиз керак.

Ўртоқ Рустамов ҳозиргача смена давомида икки норма бажариб келар эди. У эндиликда илгарига қараганда ҳам яхши ишлаб, бир сменада икки ярим норма бажарабошлади.

Қозон цехининг бутун коллективи ўртоқ Бозор Рустамовдан ўрнак олмоқда. Паровоз қозонининг гарнитурасини йиғишда ишлаётган Василий Зеленин бошлиқ слесарьлар бригадаси ҳар куни икки бригадага мўлжалланган топшириқни бажармоқда. Қозончи Иван Карташкин бошлиқ бригада иш унумини 25 процент оширди. Слесарьлардан Василий Макеевичев ва Сергей Марков қозон регуляторини монтаж қилишда 16 соат ўрнига 8 соатда йиғмоқдалар.

Паровоз цехининг ишчилари ҳам Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиш муносабати билан меҳнат соҳасида янги муваффақиятларга эришдилар. Бу цехда сўнгги кунларда коммунист Николай Зазулов бошлиқ йиғучилар бригадаси катта муваффақиятга қозонди. Бригада «Тинчлик вахтаси»да туриб ишлаб, паровоз поршень узелини йиғиш сур'атини икки баравар тезлатди. Бригада а'зоси комсомол Николай Деркач катта муваффақиятга эришди. У, 16 соатга мўлжалланган топшириқни икки ярим соатда бажарди.

Вагончилар, қуювчилар, арматурчилар ҳам меҳнат унумини оширмоқдалар. Заводнинг ҳарбир ишчиси бутун дун'ёда тинчлик посбони бўлган Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда.

Болаларимизнинг бахт-саодати учун тинчлик истаймиз

Катта ҳовуз ёнидаги шинам ва салқин колхоз чойхонаси. Бу ерга Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхозининг а'золари йиғилган. Улар Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиш учун тўпландилар. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Эгамов митингни очар экан, шундай деди:

— Совет халқи ўз жонажон сочет ҳукуматининг сталинча ташқи сиёсатини якдиллик билан ма'қуллайди. Биз доим тинчлик тарафдори бўлиб келганмиз. Биз урушни истамаймиз, бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик учун курашамиз. Атом қуролини ишлатишни истовчи янги уруш оловини ёқучи америка-англия агрессорлари билан қўйсинларки, улар тинчликни бузиш йўлидаги қора ниятларига асло эришолмайдилар.

Йиғилишда қўп болали оналардан Умсин Абдуқодирова сўзга чиқди:

— Мен олти боланинг онасиман, — деди у. — 14 йилдан бери шу колхозда ишлайман. Мен ҳалол меҳнатим билан улуғ Ватанимизнинг куч-қудратини оширишга ўз ҳиссамни қўшмоқдаман. Большевиклар партияси ва ўртоқ Сталин болаларимиз ҳақида доим ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Менинг болаларим мактабда ҳам олмоқдалар. Давлатимиз менга моддий ёрдам бермоқда. Колхоз тузуми бизга порлоқ ҳаёт берди. Янги уруш оловини ёқучи зодимлар — инсониятнинг ашаддий душмани, болаларимизнинг қотилидир. Биз урушни истамаймиз. Болаларимизнинг бахти-саодати учун тинчликни истаймиз. Большевиклар партияси, тинчликнинг улуғ байроқдори доҳимиз ўртоқ Сталин узоқ йиллар омон бўлсин. Мен Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Мурожаатига биринчи бўлиб қўл қўяман.

Колхознинг 400 га яқин а'зоси Стокгольм Мурожаатига бирин-кетин қўл қўйди.

ВЦСПС IV пленумининг қарорлари

ВЦСПСнинг 1950 йил 27 — 29 июньда бўлиб ўтган IV пленуми қуйидаги масалаларни муҳокама қилди:

1. Электр станциялар министрлиги корхоналаридаги ишчилар ва хизматчиларнинг уй-жой маиший шароитини яхшилаш тўғрисида;

2. Касаба союзларига қарашли санаторияларда ва дам олиш уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида;

3. Ишчилар ва хизматчилар ўртасида физкультура ва спортни ривожлантириш тўғрисида;

4. Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитети Мурожаатига имзо тўплаш кампаниясини ўтказишда касаба союзларининг иштироки тўғрисида;

5. Ташкилий масалалар.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенг қарорлар қабул қилди.

I.

«Электр станциялар министрлиги корхоналаридаги ишчилар ва хизматчиларнинг уй-жой маиший шароитини яхшилаш тўғрисида»гй қарорда ВЦСПСнинг IV пленуми та'кидлаб ўтдики, партия ва ҳукуматнинг катта ёрдами туфайли урушдан кейинги бешйилликнинг тўрт йили ичида Электр станциялар министрлиги жами'и 1 миллион 255 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой, талай миқдорда клуб, касалхоналар, болалар боғчалари, ошхона, магазин биноларн, ҳаммом ва кирхоналар қурган.

Шу билан бирга, пленум министрлик, қўшгина электр станцияларнинг, қурилишларнинг ва торф корхоналарининг раҳбарлари, касаба союзлари марказий комитетлари ва жойлардаги касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида кўнгилдагидек ғамхўрлик қилмаётганликларини, уй-жой қурилиши планларининг бажарилишига эришаолмаганликларини кўрсатиб ўтди.

ВЦСПС пленуми ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг уй-жой маиший шароитини анча яхшилаш Электр станциялар министрлигига қарашли корхоналардаги кўчалик ва касаба союз ташкилотларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблади. Электр станциялар министри ўртоқ Жимерин, Электр станциялар министрлиги 1950 йилги уй-жой қурилиши давлат планининг бажарилишини та'минлайди ва планга қўшимча равишда 12 клуб, 11 та пионерлар лагери, 32 та ҳаммом ва кирхона, 22 та касалхона — амбулатория, 7 та болалар боқчаси, 4 та болалар яслиси, шунингдек бинокор ишчилар учун 376 минг квадрат метр уй қуриб фойдаланишга топширади, деди. ВЦСПС Пленуми бу ахборотни ма'лумотга олди.

ВЦСПС пленуми электр станциялар ишчилари ва торф саноати ишчилари касаба союзларининг комитетларига планни муддатидан илгари бажариш учун, уй-жой қурилишининг сифатини яхшилаш ва нархини арзонлатиш учун, коммунал-маиший муассасаларнинг ишчи ва хизматчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш учун социалистик мусобақани кенг кучайтириб юбориш; уй-жой, магазинлар, ошхоналар, даволаш—профилактика ва болалар муассасалари қурилиши планларининг бажарилиши ва иш сифати устидан қаттиқ назорат қилиб туриш, қурилган об'ектларни қабул қилиб олишда касаба союз ташкилотлари вакилларининг албатта иштирок қилишини та'минлаш, касаба союз ташкилотларя ҳузуридаги уй-жой маиший комиссияларининг ишини яхшилаш мажбуриятини юклади.

ВЦСПС пленуми Электр станциялар министрлиги корхоналаридаги ишчиларга хизмат қилиш, даволаш-профилактика муассасаларининг ишидаги камчиликларни тугатиш зарурлигига СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг (министр ўртоқ Смирнов) эътиборини жалб қилди.

II.

«Касаба союзларига қарашли санаторияларда ва дам олиш уйларининг ишини яхшилаш ва уларнинг тормоғини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорда ВЦСПС IV пленуми ўқдирб ўтдики, большевиклар партияси ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг соғлиғи ва маданий дам олиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар, санаторияларда ва дам олиш уйлари тормоғи йилдан-йилга кенгаймоқда, санатория ва дам олиш уйлари учун борган сари кўпроқ маблағ ажратилмоқда. ВЦСПС пленуми касаба союзларига қарашли шифохоналарнинг даволаш ишларидаги жиддий камчиликларни кўрсатиб, касалларни даволаш, касалларга ва дам олувчиларга маданий хизмат кўрсатиш ишларини яхшилаш, мамлакатнинг саноат районларида санаторияларга ва дам олиш уйларн тормоғини янада кенгайтириш, касаба союзларига қарашли мавжуд шифохоналарни обод қилиш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди.

Касаба союз ташкилотларига путёвкаларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш ишини тартибга солиш, бутун йил давомида шифохоналарда тўла миқдорда даволануичилар ва дам олувчилар бўлишини та'минлаш таклиф этилди. Даставвал ишлабчиқаришдаги ишчиларнинг санаторйя ва дам олиш уйларига юборилишини та'минлаш зарур.

ВЦСПС пленуми санатория ва дам олиш уйлари тормоғини даставвал Ўролда, Сибирь ва Узоқ Шарқда янада кенгайтиришни энг муҳим вазифалардан бири деб топди. Ёз фаслида меҳнаткашларга хизмат қилмоқ учун лагерь типидаги дам олиш уйлари очиш ва мактабгача тарбия ёшидаги болалари бўлган оналар дам оладиган шифохоналарни кўпайтириш кўзда тутилади. Шаҳарлар ва саноат корхоналари яқинидаги бир кунлик дам олиш уйлари тормоғини кенгайтириш вазифаси қўйилди.

III.

ВЦСПС пленуми «Ишчилар ва хизматчилар ўртасида физкультура ва спортни ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Пленум бу қарорда урушдан кейинги сталинча бешйилликнинг тўрт йили мобайнида ҳукуматнинг катта ёрдами билан касаба союзлари жуда кўп миқдорда спорт иншоотларини тиклаганликларини ва янги иншоотлар қурганликларини та'кидлаб ўтди. Ҳозирги вақтда касаба союзлари ихтиёрида 6 мингдан ортиқ спорт иншооти бор. Бундан ташқари, корхона ва муассасалар жамоатчилиги кучи билан ўн мингдаб спорт майдони қурилди.

1949 йилда касаба союз ташкилотлари ва кўнгилли спорт жамиятлари корхоналарда, муассаса, МТС ва совхозларда 12 мингта янги физкультура коллективи ташкил қилдилар; 1950 йилда касаба союзлари ҳузуридаги кўнгилли спорт жамиятларида физкультурачилар сони урушдан аввалги даврдагига нисбатан икки мартадан ҳам кўпроқ ортди.

1949 йилда ишчи ва хизматчилардан «Меҳнатга ва СССР мудофаасига тайёр» комплекс нормасини топширишга анча кўп киши тайёрланди.

Шу билан бирга ВЦСПС пленуми касаба союзларининг кўпгина марказий, область, фабрика-завод ва маҳаллий комитетлари кенг ишчи ва хизматчилар оммасини физкультура ва спорт машғулотларига жалб қилмаганликларини, янги физкультура коллективлари тузишга ва мавжуд физкультура коллективларини мустаҳкамлашга етарли эътибор бермаётганликларини та'кидлаб ўтди.

ВЦСПС пленуми касаба союз ташкилотларига ва кўнгилли спорт жамиятларига оммавий физкультура ва спорт ишларини янада ривожлантириш ва иш сифатини яхшилаш, барча корхона ва муассасаларда физкультура коллективлари тузиш, ҳарбир физкультура коллективида спортнинг хилма-хил турлари бўйича секция ва командалар ташкил қилиш, спорт секцияларида машғулотларнинг мунтазам ўтказиб турилишини та'минлаш, футбол, баскетбол ва волейбол командаларининг маҳоратини ошириш мажбуриятини юклади. Барча физкультурачилар ГТО комплекс нормасини топширишлари ва спорт маҳоратларини тинмай оширишлари керак.

ВЦСПС пленуми фабрика-заводларда муттазам суратда спартакиадалар ўтказишни, спорт секциялари ва айрим цехлар ўртасида мусобақалар ташкил қилишни, велосипеди, мотоцикли, ов милтиғи, чанғиси ва конькиси бўлган ишчи ва хизматчиларни спорт секцияларида қатнашишга жалб қилишни тавсия этди.

Касаба союз ташкилотларига ва кўнгилли спорт жамиятлари раиси) ўртоқларини сайлади.

Касаба союз ташкилотларига ва кўнгилли спорт жамиятларига ишчи ёшларни физкультура ва спорт машғулотларига кенг жалб қилиш, спорт секцияларида айрим ўспиринлар группалари, ёшлардан футбол, баскетбол ва волейбол командалари ташкил қилиш, энг қобилиятли йигит ва қизларни спорт мактабларига жалб этиш мажбуриятини юклади.

Касаба союз ташкилотлари ва кўнгилли спорт жамиятлари физкультура ва спорт жамиятларининг колхозлардаги, МТС ва совхозлардаги физкультура коллективларини оталикка олишларини кенг йўлга қўйишлари керак.

ВЦСПС пленуми спортчиларни совет ватанпарварлиги руҳида, социалистик Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялашни кучайтиришни асосий вазифа қилиб қўйди.

IV.

ВЦСПС пленуми Бутун Иттифоқ касаба союзлари Марказий советининг мурожаатини қабул қилди. Пленум бу мурожаатда касаба союзларининг а'золарини, барча ишчиларни, инженер-техник ходимларни, ўқитучиларни, врачларни, фан, адабиёт ва сан'ат ходимларини, совет муассасаларининг барча хизматчиларини, барча меҳнаткашларни Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Стокгольм Мурожаатига якдиллик билан қўл қўйишга ва шу билан бутун дун'ёда тинчликни сақлашга қаттиқ бел боғлаганликларини яна бир марта намойиш қилишга чақирди.

ВЦСПС пленуми касаба союз комитетларига имзо тўплаш кампаниясида актив қатнашиш мажбуриятини юклади.

V.

ВЦСПС пленуми ўртоқ М. П. Тарасовни бошқа ишга ўтганлиги сабабли ВЦСПС секретари вазифасидан озод қилди. Пленум ВЦСПС секретарьлари қилиб Ф. В. Карцев (оғир саноат корхоналари қурилиши ишчилари касаба союзи Марказий комитетининг раиси) ва А. И. Шевченко (темир йўл транспорти ишчилари касаба союзи Марказий комитетининг

Озарбайжон вакиллари Фарғонада

ФАРҒОНА, 12 июль. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан телефон орқали олинди**). Бугун қардош Озарбайжон ССР пахтакорларининг вакилларидан бир гуруҳи Фарғона областига келди. Меҳмонларни область партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари самимий кутиб олдилар.

Вакиллар йўл-йўлакай Фарғона районидаги Ворошилов номли колхознинг ғўзаларини кўздан кечириб Фарғона шаҳрига кириб келдилар. Тушдан кейин меҳмонлар Фарғона шаҳрини ва унинг марказий истироҳат боғини тамоша қилдилар.

Вакиллардан ўртоқ Велиев мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Биз Ўзбекистон, шу жумладан Фарғона водиси ҳақида кўп нарсаларни ўқиганмиз ва эшитганмиз. Ленин—Сталин партиясининг раҳбарлиги, совет ҳукумати ва улуғ рус халқининг оғалик ёрдами туфайли яшнаб гуллаган, Совет Иттифоқининг асосий пахта конига айланган Ўзбекистонни, унинг пахта далаларини ва бахтиёр халқини кўриш иштиқода эдик. Фарғона сўзини тилга олганимизда оқолтин кони эканлиги кўз олдимизда гавдаланар эди. Ҳақиқатан ҳам ўзбек қардошларимиз оқолтин конлари билан фахрланишга ҳақлидир.

Вакиллар Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Мельников ва Фарғона область партия комитетининг секретари ўртоқ Маҳмудов билан бирга Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхозни бориб кўрдилар. Улар колхоз қишлоғининг социалистик шаҳарча тусига кириб бораётганини, янги йўллар чиқарилганини, жуда кўп янги бинолар қурилганини, серҳосил бўлиб ўсаётган ғўзаларни, боғларда пишиб ётган турли-туман меваларни кўриб мамнун бўлдилар. Вакиллар бу колхознинг намунали ишларидан анча нарсалар ўрганганликларини завқ билан сўзламоқдалар.

Меҳмонлар кечқурун Фарғона область театрида «Алпомиш» постановкасини тамоша қилдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент область қишлоқ хўжалик илғорларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида *)

СССР Олий Совети Президиумининг 1949 йил 20 майдаги Фармонига мувофиқ, 1949 йилда сувли ерларда пахтадан мўл ҳосил олганликлари, колхозлар эса ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотлари **етказиб бериш мажбуриятларини** ва контрактация шартларини бажарганликлари, МТСнинг 1949 йилда қилган ишлари учун натура ҳақини тўлаб бўлганликлари ва 1950 йил кўкламида экиш учун етарли миқдорда барча экинлар уруғини жамғариб қўйганликлари учун қишлоқ хўжалик **мукофотлансин:**

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

54. **Сиддиқов** Мўйдин — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг звено бошлиғи.

55. **Сон** Гидюн — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхознинг бригада бошлиғи.

56. **Ступин** Степан Семенович — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхознинг звено бошлиғи.

57. **Султонова** Мактаб — Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхознинг звено бошлиғи.

58. **Тожибоев** Болтабой — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи.

59. **Тожибоев** Хожибой — Қорасув МТСи трактор бригадасининг бошлиғи.

60. **Тиллаев** Тошкан—Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг звено бошлиғи.

61. **Тўхтаназаров** Улкан — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг бригада бошлиғи.

62. **Хаитов** Шукур — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг бригада бошлиғи.

63. **Холмуродов** Бекмурод—Оққўрғон районидаги Навоий номли колхознинг звено бошлиғи.

64. **Холов** Ўразбой — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи.

65. **Ҳамдамов** Ўринбой — Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхознинг бригада бошлиғи.

66. **Ҳамроев** Тўрон — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи.

67. **Ҳамроев** Холмат — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи.

68. **Ҳамробеков** Умурзоқ — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг бригада бошлиғи.

69. **Ҳофизова** Умри — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг звено бошлиғи.

70. **Цой** Бонхван — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхознинг звено бошлиғи.

71. **Цой** Санен — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхознинг звено бошлиғи.

72. **Чен** Серон — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхознинг звено бошлиғи.

73. **Шоҳназарова** Мақсад — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхознинг звено бошлиғи.

74. **Юсупов** Абдуқодир — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи.

75. **Юсупов** Ориф — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхознинг звено бошлиғи.

76. **Юсупов** Йўлдош — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг звено бошлиғи.

«МЕҲНАТДА УРНАК КУРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

1. **Абдиев** Соатали — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

2. **Абдуназаров** Убайдулла— Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

3. **Абдурахмонова** Мамлакат — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

4. **Адашев** Иброҳим — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

5. **Одилова** Махсума — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

6. **Одилова** Турдибиби — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

7. **Айитқулов** Айтимбет — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.

8. **Оқбўтаева** Суймахон — Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхознинг а'зоси.

9. **Алимова** Рихси — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

10. **Алметова** Адол — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг а'зоси.

11. **Атимова** Салима — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.

12. **Аҳмедова** Сайра — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхозининг а'зоси.

13. **Аҳмедова** Тўхта — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

14. **Бобоев** Тўра — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг а'зоси.

15. **Бобоев** Эргаш — Юқоричирчиқ районидаги «Усмонобод» колхозининг а'зоси.

16. **Бобораҳимов** Нишонбой — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.

17. **Бадалова** Тожихон — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхознинг а'зоси.

18. **Бойтасов** Алмат — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг а'зоси.

19. **Бералова** Салима — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг а'зоси.

20. **Жалолов** Шамсиддин — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

21. **Жуманазарова** Аширбуви — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг а'зоси.

22. **Жўраева** Қулпи — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг а'зоси.

23. **Жўраева** Солия — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

24. **Эгамбердиев** Сартой — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг звено бошлиғи.

25. **Ешов** Маҳкам — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.

26. **Эштоева** Айитгул — Юқоричирчиқ районидаги «Усмонобод» колхозининг а'зоси.

27. **Жўраева** Маҳбуба — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

28. **Зокиров** Тўйчи — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

29. **Заминов** Отажон — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхозининг а'зоси.

30. **Зубайдаев** Азимбой — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

31. **Зухурова** Мафират — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

32. **Икромова** Хатима — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

33. **Имомқулов** Исабек — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.

34. **Имомова** Шарофат — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.

35. **Имомназаров** Ғозибой — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг а'зоси.

36. **Имомназарова** Майрам — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг а'зоси.

37. **Исоқова** Ҳури — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг а'зоси.

38. **Исаева** Тўрон — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.

39. **Исломов** Ўрмон — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

40. **Исроилова** Сейсен — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг а'зоси.

41. **Қосимқулова** Тожигул — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг а'зоси.

42. **Ким** Мария — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.

43. **Куролова** Олтин — Юқоричирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг а'зоси.

44. **Қурбонбоева** Маржон — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг а'зоси.

45. **Қўчқорова** Рафиқа — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг а'зоси.

46. **Қўшмонов** Маматқобул — Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхознинг а'зоси.

47. **Мадумарова** Мафрифат — Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхознинг а'зоси.

48. **Мамбетов** Саъди — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.

49. **Мамбетова** Сайне — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.

50. **Мамасолиев** Абубакир — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.

51. **Маркаев** Бобоқурбон — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг а'зоси.

52. **Матқулова** Ойнисо — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

53. **Маҳкамова** Симбат—Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.

54. **Маҳмудов** Аҳмаджон — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг а'зоси.

55. **Мақсудова** Хатима — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

56. **Миржамолова** Инахон — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

57. **Мирзакаримов** Мирзаахмад — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

58. **Мирзаалимова** Сабоҳат — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.

59. **Мирзаалимов** Тожимамад — Қорасув МТСи трактор бригадаси бошлиғининг ёрдамчиси.

60. **Мирзаахмедова** Адол — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг а'зоси.

61. **Мирсоатов** Убайдулла — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд колхозининг а'зоси.

62. **Мирсоатов** Ҳамидулла — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

63. **Мирсалимова** Мастура — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

64. **Мирҳантов** Холбой — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.

65. **Мўминова** Ҳиммат — Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.

66. **Нишонбоева** Рихси — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

67. **Норбоев** Нишон — Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхозчинг а'зоси.

68. **Пак** Александр — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.

69. **Пак** Иван — Мирзачўл районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.

70. **Парпиева** Баён — Юқоричирчиқ районидаги «Усмонобод» колхозининг а'зоси.

71. **Равшанова** Улжон — Мирзачўл районидаги Ленин номли колхознинг а'зоси.

72. **Рахабоев** Йўлдош — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'зоси.

73. **Раҳмонқулов** Аҳмадали — Янгийўл районидаги Андреев номли 1-нчи колхознинг а'зоси.

(ДАВОМИ БОР).

*) Боши «Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 12 июль сонида босилган.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Пропагандистлар курсларида машғулот бошланди

ҚАРШИ, («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Қашқадарё область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими сиёсий мактаб ва тўгаракларда машғулотлар олиб борадиган пропагандистлар тайёрлаш масаласига катта эътибор бераётир.

Шаҳар партия комитети ҳузурида ташкил этилган пропагандистлар тайёрлаш курсига 52 киши, область марказида ташкил этилган курсга 60 киши жалб этилди.

Ўқишлар уюшқоқлик блан бошланди. Машғулотлар 4 группага бўлинган ҳолда ўтказилаётир.

Л. ЭРГАШЕВ.

☆

Тошкент область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими район пропагандистлари учун бир ойлик пропагандистлар тайёрлаш курси очди. Курсга 50 дан ортиқ киши жалб этилди. Улар икки группага бўлинган. Машғулотларни олиб бориш учун малакали пропагандист ва лекторлар ажратилган.

Т. МАҲМУДОВ.

☆

Фарғона шаҳар партия комитети 1950—51 ўқув йилида партия маорифи шохобчаларида бўладиган партия ўқувига тайёрликни ўз вақтида бошлаб юборди. Шаҳарда бўлган сиёсий мактаб ва «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни ўрганиш тўгаракларининг раҳбарлари учун шаҳар партия кабинети ҳузурида пропагандистларнинг 3 ойлик курси ташкил қилинди.

Курсда дастлабки машғулотлар бўлиб ўтди. Биринчи машғулотда «Марксизм-ленинизм амалда», «ВКП(б) — совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи» деган темаларда лекциялар ўқилди.

Курсда ўқиётган 50 пропагандистнинг ҳаммаси лекцияларга қатнашди.

З. БОТИРОВ.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ СЕКРЕТАРЬЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилининг якунланиши муносабати блан Ўзбекистон К(б)П Қамаши район комитети колхоз, МТС, корхона ва муассаса бошлангич партия ташкилотлари секретарьларининг уч кунлик семинарини ўтказди.

Семинар қатнашчилари «Қишлоқ хўжалик артелининг сталинча намуна Устави ва колхоз бошлангич партия ташкилотларининг вазифалари», «Партия мажлиси—тарбия мактаби», «Партия топшириғи», «Партия хўжалиги ҳақида» ва бошқа темалар юзасидан бирнеча лекция ва доклад эшитдилар.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ УНИВЕРСИТЕТИНИ 189 КИШИ БИТИРИБ ЧИҚДИ

Самарқанд шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм кечки университетини бу йил 189 киши битириб чиқди. Университетни битириб чиққанлар орасида илмий ходимлар, врачлар, партия ва совет ходимлари бор.

Университетни битирувчилар икки йил давомида СССР тарихи, ВКП(б) тарихи, Совет давлатининг ташқи сиёсати, диалектик ва тарихий материализм, сиёсий иқтисод ва бошқа фанлардан дарс ўтдилар. Битирувчилар марксизм-ленинизм асосларини, большевизм тарихини чуқур эгаллашлари учун қўшимча машғулотлар, семинар ва консультациялар ўтказилди. Бу эса тингловчиларнинг кўп қисмига аъло ва яхши баҳолар блан имтиҳондан ўтиш имкониятини берди.

Қ. ҲАЙДАРОВ.

Иқтисодий билимлар кенг пропаганда қилинмоқда

Тошкент шаҳар Ленин район корхоналаридаги партия ташкилотлари кейинги вақтларда ишлабчиқаришнинг экономикасига, хомаш'ё ва материалларни тежаб сарфлашга доир масалалар блан чуқурроқ шуғулланмоқдалар. Хўжалик кадрларига цехларни хўжалик ҳисобига кўчириш, ташпархини камайтириш, меҳнат унумини ошириш масалалари юзасидан лекция ва суҳбатлар уюштирилмоқда, илғор тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Йўллар министрлигига қарашли экскаваторларни ремонт қилиш заводи анча вақтдан буён районда энг орқада қолаётган корхоналардан бири ҳисобланар эди. Район партия комитети шу корхонанинг қолоқлик сабабларини чуқур текшириб чиқди. Заводга текшириш учун комплекс бригада юборилди. Бригада составига инженерлар, экономистлар, бухгалтерлар ва район партия комитетининг инструкторлари киритилди. Бригада бир ҳафта мобайнида заводни чуқур текширди, қолоқлик сабабларини аниқлаб, амалий ёрдам берди.

Электр саноати министрлигига қарашли завод партия ташкилоти ишлари ҳам район партия комитетининг назорати остига олинди. Таппархини камайтириш учун курашда новаторларнинг тажрибаларини оммалаштириш катта аҳамиятга эга бўлди. Партия ташкилотлари кейинги вақтларда бу масалалар блан ҳам жиддий шуғуллана бошладилар.

Райондаги корхоналарда металлни жадал суғартлар блан қирқиш усулини қўллаётган кўпгина илғор стахановчилар бор. Булар кундалик нормаларни уч-тўрт марта ошириб бажармоқдалар. Масалан, «Под'ёмник» заводида Гавридов ва Беляцкий ўртоқлар шу усулда ишлаб ҳар минутда 500 метрдан 700 метргача металлни қирқмоқда. Ўртоқ Павловский эса 800 метрга етказиб металл қирқмоқда. «Под'ёмник» заводи партия ташкилоти шу тажрибани кенг оммалаштириб уюшқоқларнинг ярмини мана шу усул блан ишлашга кўчирмоқда.

Каганович номидаги заводда инженерларнинг ишчиларни оталикка олиши кенг йўлга қўйилган. 170 мутахассис, ишчиларни ўз отаҳисига олиб, уларга янги касбларни ўрганишга ёрдам бермоқда. Завод коммунистлари инженерларнинг бу ташаббусига бошчилик қилдилар.

Район партия комитети мана шу илғор корхоналар ва новаторларнинг тажрибаларини оммалаштиришга катта аҳамият берди. Корхона бошлангич партия ташкилотлари секретарьларининг тез-тез чақириб турилади ган кенгашида шу илғор ишчилар, новаторларнинг тажрибалари муфассал айтиб берилди.

Кадрларнинг иқтисодий билимларини ошириш — партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидан биридир. Шу мақсадда Ленин район партия комитети ҳузурида доимий семинар ташкил қилинди. Бу семинарга план бўлими, ишлабчиқариш, меҳнат ва иш ҳақи бўлимлари мудирлари қатнашадилар. Семинарда ҳозиргинг ўзидаёқ 10 марта машғулот ўтказилди. Бу машғулотларда корхонанинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиб чиқишнинг мақсад ҳамда вазифалари, хўжалик ҳисоби, корхонани планли равишда бошқариш ва молия жиҳатидан назорат қилиб туришнинг усули деган темаларда лекциялар ўқилди.

Район партия комитети бошлангич партия ташкилотлари секретарьлари учун бундан ташқари иқтисодий темаларда ҳам бирқанча лекциялар ташкил қилди. Бу лекциялар бевосита завод ва фабрикаларда ўқилмоқда.

Кадрларнинг иқтисодий билимини ошириш, шу йўл блан уларнинг ишлабчиқариш экономикасини пухтароқ ўрганишларига ёрдам бермоқда, ўз планларини ошириб бажариш имкониятини туғдирмоқда. Ҳозир Ленин районидаги корхоналарнинг кўпи ярим йиллик планини бажардилар.

Ленин район партия комитети кадрларнинг иқтисодий билимини ошириш, илғорларнинг тажрибаларини оммалаштириш соҳасида бошлаган бу ишини изчиллик блан давом эттириши керак.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

Талабчанлик ва топширилган иш учун жавобгарлик кучайтирилсин

Оржоникидзе район партия комитети бундан 2 ойча илгари колхоз партия ташкилотларида партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш мақсадида район партия комитети аппарати ходимларини қишлоқ советларига, колхозларга биркитди. Район партия комитети бюроси бу блан жуда яхши ташаббус кўрсатган эди. Лекин у ўз қарорининг бажарилишини кун сайин назорат қилиб турмади.

Талабчанлик ва топширилган иш учун жавобгарлик ҳисси йўқлиги натижасида, кишилар биркитилган колхоз партия ташкилотларида ҳечқандай иш олиб бормаётирлар. Район партия комитети, район марказида бўлган «Рассвет» колхоз партия ташкилотига хотин-қизлар бўлим мудири Ўртоқ Аширбоевани биркитган эди. Лекин у колхоз партия ташкилоти ишини жонлантириш соҳасида бирор иш қилмади. Колхоз партия ташкилоти ҳисобида 9 коммунист бор. Булардан Ўртоқ Тошматов 4 ойдан буён бошқа бир колхозда партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлайди. Ўртоқ Салимов эса бозор комитетида, Ўртоқ Золотухин фанлар академиясида, у ҳатто партия мажлисига ҳам келмайди. Сўнгги партия мажлиси 14 февральда бўлган. Район партия комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири Ўртоқ Аширбоева эса 2 ой мобайнида колхозга фақат бир марта келиб план тузиб берди. Шунинг учун ҳам колхоз тўла имкониятлар бўлишига қарамай сабзавот экиш планларини анча кечикиб бажарди.

Троицк қишлоқ советидаги Юсупов номли колхоз партия ташкилоти ҳам район партия комитети эътиборидан четда қолган. Район партия комитети аппаратининг ходимлари бу колхоз партия ташкилотига ҳам тузук раҳбарлик қилмадилар. Шунинг учун ҳам партия мажлислари ўз вақтида бўлиб турмайди. Партиявий-сиёсий ва оммавий ишлар бу ерда ҳам ўз ҳолига ташланиб қўйилган. Оққовоқ қишлоқ советидаги «Энбекчи» колхоз партия ташкилотида (секретари Ўртоқ Мўминов) ҳам аҳвол яхши эмас.

Колхоз бу йил 155 гектар пахта ерининг ҳар гектаридан 37,5 центнердан ҳосил етказиш мажбуриятини олган бўлса ҳам, ғўза парвариши яхши уюштирилган эмас. Ғўза чопиғи, суғориш ва ўғитлаш юзасидан белгиланган бешкунлик графиклар ҳам 30 — 40 процент бажарилмоқда. Далада ишлаётган кетманчилар ўз нормасини тўла бажармайди. Ана шу колхоз партия ташкилотига район партия комитети агитация-пропаганда бўлимининг инструктори Ўртоқ Шарипов биркитилган, у ҳам шу колхозда бирнеча кун бўлгани ҳолда на партия ишида ва на дала ишларида ўзгариш қилолмади.

Бу аҳволлар район партия комитети ва унинг аппарати бошлангич партия ташкилотларига юзаки раҳбарлик қилаётганини, ўз қарорининг ижроси учун етарли кураш олиб бормаётганини очиқ кўрсатади. Район партия комитети колхоз партия ташкилотларини мустаҳкамлаши, топширилган иш учун биринчи галда партия аппарати ходимларидан жавобгарлик талаб қилиши керак.

У. МАДРАҲИМОВ.

Қишлоқ Советларининг ролини оширайлик

Қишлоқ Советлари Совет давлати системасида энг оммавий ташкилотдир. Улар кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан сайлаб қўйиладиган маҳаллий халқ ҳокимиятидир. Социалистик давлатимизга асос солган Ленин Советлар Ҳокимияти энг демократик деб ҳисобланган буржуа республикасидан ҳам миллион марта демократироқдир, деган эди.

Қишлоқ Советлари давлат аҳамиятига эга бўлган хилма-хил катта ишларни бажарадилар. Уларнинг асосий вазифалари — ўз территорияларида маданий-маиший, сиёсий ва хўжалик қурилишига раҳбарлик қилиш, қишлоқ бюджетини белгилаш, ўзларига бўйсунучи органларнинг ишларига етакчилик қилиш, давлат қонунларини сўзсиз амалга ошириш совет қонунларига риоя қилинишини ва гражданлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлашдир.

Қишлоқ Советлари социалистик хўжаликни тобора кенгайтириш ва ривожлантириш учун курашмоқлари керак. Қишлоқ Советлари меҳнаткашларни давлатни бошқариш ишларида бевосита қатнаштириш блан, уларнинг ташаббусини оширадилар, учарни сиёсий жиҳатдан чиниқтирадилар.

Республикамиздаги кўпгина қишлоқ Советлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариб, амалий ишларида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Қишлоқ Советлари оммa блан маҳкам боғланиб, ўз ишларини кенг меҳнаткашларнинг актив ёрдами блан олиб бормоқдалар. Бунинг учун кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Фарғона область, Охунбобоев районидаги Каганович қишлоқ Советини олайлик. Бу қишлоқ Советининг қишлоқ хўжалигига тўғри раҳбарлик қилаётганлиги туфайли, пахта чиликни ривожлантириш, жамоат чорвачилигини кучайтириш, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий ва маданий ҳаётини тобора яхшилаш, қишлоқни обод этиш ва хўжаликнинг бошқа соҳаларида катта ишлар қилинди. Қишлоқ Советидаги «Сталинчи», «Совет», Ленин номли ва Сталин номли колхозлар ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқдалар, давлат олдидаги мажбуриятларини, шу жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планларини доим ошиғи блан бажармоқдалар. «Сталинчи» колхози ўтган йили пахта тайёрлаш планини 113 процент, Сталин номли колхоз 100,4 процент, Ленин номли колхоз 114 процент ва «Совет» колхози 112,2 процент бажарди.

Қишлоқ Совети ва унинг депутатлари колхозларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани кучайтириш, колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, агротехника қоидаларидан, илғор Мичурин илмидан фойдаланишда ташкилотчилик ролини ўйнамоқдалар, пахта ҳосилини ошириш учун фойда бердиган ҳарқандай ташаббусни қўллаб-қувватламоқдалар.

Қишлоқ Совети ҳар квартал учун тасдиқланган планга мувофиқ, активлар ҳамда доимий комиссияларга таяниб иш кўради. Қишлоқ хўжалик комиссияси колхозларда пахтачиликни ривожлантиришга катта эътибор бериш блан бирга, мевазор ва узумзор боғларни кенгайтиришда ҳам кўп иш қилди. Ҳозир «Сталинчи» колхози 11 гектар мевазор ва узумзор боққа, Сталин номли колхоз 12 гектар, «Совет» колхози 38 гектар боққа эга.

Қишлоқ Совети сессиясининг маърузаларида хўжалик ва маданий қурилишга доир муҳим масалалар муҳокама қилинади. Депутатлар ва активлар бу сессияларда ишдаги камчиликларни қаттиқ танқид қиладилар, тажрибаларни ўртоқлашадилар. Қишлоқ Советининг VII сессиясида қишлоқ хўжалиги доимий комиссиясининг раиси Тожибоев ва совет активларидан Охунов ҳамда Отабоев ўртоқларнинг «Сталинчи» колхозида ғўза парваришининг бориши юзасидан ўтказган текширишларининг натижаси муҳокама қилинди. Сессия «Сталинчи» колхозида чопиқ, суғориш ва культивациянинг кейинга қолаётганлигини қаттиқ танқид қилди ва ғўза парваришини тезлатиш учун тегишли тадбирлар белгилади. Ҳозир «Сталинчи» ва бошқа колхозлар ғўзаларни тўрт марта парвариш қилдилар ва барча участкаларидаги ғўзаларни июль ойида тўла ҳосилга киритиш учун бутун куч, воситаларни ишга солдилар. Сессия бу масала юзасидан амалий тадбирлар белгилади.

Каганович қишлоқ Совети шу райондаги Молотов қишлоқ Совети блан социалистик мусобақа боғлаган. Ҳар икки қишлоқ Совети ҳам социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини доим ўзаро текшириб турибдилар. Каганович қишлоқ Совети барча депутатлар ва активларга тўла суянган ҳолда иш олиб боради. Шу сабабдан ҳам колхозларда жамоат чорвачилигини, пиллачиликни ривожлантиришда бу қишлоқ Совети катта муваффақиятларга эришаётир.

Қишлоқ Совети ва унинг депутатлари қишлоқни обод этиш, меҳнаткашларнинг моддий-маиший аҳволи тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўзларининг шарафли бурчлари деб биладилар. Депутатларнинг ташаббуси ва бутун аҳолининг актив ёрдами орқасида 7,5 километр узунлигида янги йўл очилди, 16 кўприк қурилди, кўчаларнинг бўйларига 15 минг дарахт кўчати ўтқазилиб, парвариш қилинмоқда. Қишлоқда ўнларча жамоат биноси, мактаблар, клублар, болалар боғча ва яслилари, кенг, ёруғ уй-жойлар, намунали устахоналар қурилди. «Совет» ва Сталин номли колхозларнинг қишлоқлари электрлаштирилди, кўпчилик колхозчиларнинг уйлари радиолаштирилди.

Самарқанд область, Пахтакор районидаги Султонобод қишлоқ Совети 1949 йилда республикадаги барча қишлоқ Советларига қарата мурожаат қилиб, пахтачиликни ривожлантириш давлат планини бажариш, хўжалик-маданий тадбирларни амалга ошириш учун мусобақани қизитиб юборишга чақирган эди. Ҳозир мусобақа якунларини текшириш натижасида, шу нарса маълум бўлдики, кўпгина қишлоқ Советлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф блан бажармоқдалар.

Самарқанд область, Чархин районидаги Арабхона қишлоқ Советининг территориясидаги беш колхознинг ҳаммаси ўтган йили пахта тайёрлаш давлат планини 132 процентга етказиб бажарди. Ҳар гектар ердан 30,4 центнердан пахта ҳосили олинди. Қишлоқ Советининг меҳнаткашлари пахта совет давлати экономикасида гоят катта аҳамиятга эга эканлигини яхши англаб, бу йил пахта ҳосилини ўтган йилларгагина қараганда янада ошириш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг июнли 33 йиллигини меҳнат соҳасида янги ғалабалар блан кутиб олиш учун бутун куч, ички ресурсларни ишга солмоқдалар.

Қишлоқ Совети оммавий-ташкилий ишларни пухта йўлга қўйиши, колхозлар, бригадалар ва звеноларнинг ўртасида социалистик мусобақани кучайтириши, меҳнат интизомини мустаҳкам йўлга қўйиши орқасида сиёсий-хўжалик вазифалар муваффақият блан бажарилмоқда.

Қишлоқ Совети халқ маорифи ва маданий-оқартув ишларига катта эътибор бермоқда. Ўқиш ёшидаги болаларнинг ҳаммаси бошлангич ва тўлиқсиз ўрта мактабларга жалб этилган. 26 ўқитучи уй-жой, ўтин-кўмир ва томорқа ерлар блан таъминланган. Қишлоқ Советининг сессияси шу йилнинг ўтган 6 ойи ичида мактабларнинг ишига доир масалаларни икки марта муҳокама қилди, кутубхона, колхоз клубларининг ишлари анча яхшиланди. Қишлоқ Совети территориясидаги ҳарбир колхозда болалар яслиси очилган. Булар, колхозчи аёлларнинг далаларда самарали ишлаши учун катта қулайлик туғдирди.

Қишлоқ Совети Ватан уруши инвалидларига ва ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига катта ёрдам бермоқда. Ватан уруши инвалидлари уй-жой ва томорқа участкалари блан таъминланди. Қишлоқ Советида 118 та кўп болали она бор. Буларга ўз вақтида нафақа берилиши блан бирга, уларнинг ҳаммаси СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 8 июльдаги Фармонига мувофиқ, орден ва медальлар блан мукофотланди.

Яхши ишлаётган қишлоқ Советлари блан бир қаторда, ташкилий-оммавий ишларга етарли эътибор қилмаётган ва депутатларни ҳамда жамоатчи активларни ўз атрофига тортмаётган қишлоқ Советлари ҳам бор. Масалан, Фарғона область, Охунбобоев районидаги Сталин қишлоқ Совети ўз ишига депутат ва активларни жалб этмайди. Сессия муҳокамасига қўйиладиган масалалар кўпинча қишлоқ Советининг раиси ёки секретари томонидан тайёрланади. Бунинг натижасида, сессиялар расмият учунгина ўтади, танқид ва ўз-ўзини танқид кучайтирилмайди. Сессияларда 25 депутатдан 14 — 16 кишигина қатнашади. Сессияларнинг чиқарган қарорлари сайловчиларга маълум қилинмайди, қарорларнинг ижроси текширилмайди.

Қишлоқ Совети ҳузуридаги доимий комиссиялар плансиз ишлайдилар, депутатлар сайловчиларга олдида ҳисоб бериб турмайдилар. Бунинг натижасида қишлоқ Совети хусусан пахтачиликни ривожлантириш соҳасида ўз олдига қўйилган вазифаларни бажармай келмоқда. Кейинги уч йил ичида қишлоқ Советида пахта тайёрлаш планы бажарилмади. 1950 йилда беда экиш планы ҳам бажарилмай қолди. Қишлоқ Советининг колхозларга раҳбарлиги сводка тўплаш ва район ташкилотларга ахборот бериб туришдан нарига ўтмаётир.

Шуни унутмаслик керакки, қишлоқ Советлари ўз вазифаларини бажаришлари учун жуда катта кучга эгадирлар. Кейинги сайловларда республикамизнинг энг яхши ва илғор кишилари маҳаллий Советларга депутат қилиб сайландилар. 1.433 қишлоқ Советида 28.677 депутат бор. Қишлоқ Советлари ҳузуридаги 7.714 та доимий комиссияда 22.627 депутат ва активлардан 3.428 киши ишлаган. Булар катта куч бўлиб, қишлоқ Советларининг олдида турган сиёсий-хўжалик вазифаларни бажаришда шубҳасиз катта роль ўйнайдилар.

Қишлоқ Советларининг ташкилий-оммавий ишларини кучайтириш, депутатлар ва жамоатчи активлар блан ишлашни яхши йўлга қўйиш ва республикамиз олдида турган хўжалик-сиёсий вазифаларни бажаришда уларнинг ролини ошириш зарур.

Қишлоқ Совети ходимларининг назарий-сиёсий савиясини ошириш муҳим вазифадир. Бунинг учун қишлоқ Советлари ходимлари учун семинар машғулотлари уюштириш ва курслар ташкил этиш керак. Маҳаллий Советлар ва уларнинг органлари сайлов кампанияси даврида омма ўртасида агитация-пропаганда ишларини кучайтиришда партия ташкилотларига катта ёрдам бериб, бу соҳада катта тажриба тўпладилар. Ҳозирги вақтда кенг меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий, маданий-оқартув ишларини олиб боришда ана шу тажрибалардан кенг фойдаланиш, оммани коммунизм руҳида тарбиялашда, Ленин — Сталиннинг буюк ғояларини меҳнаткашлар онгига сингдиришда партия ташкилотларига энг яқиндан ёрдам беришлари керак.

Қишлоқ Советларининг бутун кучи шундаки, улар партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида иш кўриб, қишлоқ меҳнаткашларини партиямиз ва ҳукуматимиз томонидан ўз олдиларига қўйилган хўжалик-сиёсий вазифаларни бажаришга сафарбар этадилар. Қишлоқ Советларининг ишларига эътиборни кучайтириш, доимий комиссиялар, депутатлар ва активларнинг ўз ишларида жавобгарлик ҳиссини ошириш — партия ташкилотларимизнинг муҳим вазифасидир.

Бу йил республикамизнинг халқ хўжалигини ва хусусан пахтачиликни ривожлантириш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Социалистик меҳнат намуналарини кўрсатаётган ўзбек халқи пахтачиликни юксалтириш учун зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқда. Меҳнаткашлар оммасининг ана шу активлигига етакчилик қилиш, партия ва ҳукуматимиз, улуғ йўлбошчимиз Ўртоқ Сталин томонидан халқ оммаси олдига қўйилган вазифаларни шараф блан бажариш қишлоқ Советларининг энг муҳим бурчидир.

А. АБДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари.

Қарорга муносиб жавоб

Янгийўл районидаги Юсупов номли колхоз а'золари Ўзбекистон пахтачилик илғорлари VI қурултойида 360 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Колхозчилар ана шу мажбуриятга яраша астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозиргача ғўзалар 5 марта чуқур чопиқ қилинди, 6-нчи культивация бошланди. Ғўзалар 3 марта етарли миқдорда минерал ва маҳаллий ўғит блан озиқлантирилди, 4-нчи марта сув берилмоқда. Колхоз ҳосилот советининг раиси ўртоқ Мирзабобоев ўғитнинг машина блан тўғри ва бир ме'ёрда солиниши, ғўзаларнинг саратон суви блан қондириб суғорилиши устидан шахсан назорат олиб бормоқда. Натижада, ғўзалар жуда яхши ривожланиб, ҳарбир туп ғўзада ҳозир 13—14 тадан ҳосил шохи ва 2—3 тадан кўсак бор.

Колхознинг коммунист ўртоқ Отакиши Хасанов бошлиқ бригадаси ғўзани парвариш қилишда олдинда бормоқда. Бригада 36,5 гектар ердаги ғўзасини 5 марта сифатли чопди, 3 марта озиқлантирди ва 6-нчи культивацияни туғалламоқда. Ҳозир бригаданинг ҳар туп ғўзасида 2—3 тадан кўсак бор. Бригаданинг Маҳкам Пўлатов, Боймат Холиев ўртоқлар сингари а'золари кунлик чопиқ нормаларини 1,5—2 ҳисса қилиб бажармоқдалар.

Коммунист ўртоқ Юсуф Холиев бошлиқ звенонинг а'золари 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 48 центнердан ҳосил бериш ҳақидаги социалистик мажбуриятни бажариш учун ҳарбир туп ғўзани муҳаббат блан парвариш қилмоқдалар. Звено ғўзаларни 6 марта чопиқ, культивация қилиб, 4-нчи сув бермоқда. Звено ғўзаларни парвариш қилиш ишларини ўтган йилгидан қарийб 1 ойча илгари олиб бормоқда. Звено ғўзалари жуда яхши ривожланиб, бел бўйи бўлди. 14 — 15 тадан ҳосил шохи олди. Звено ғўзаларни чеканка қилишга киришди. Бу ишга яхши тайёрлик кўрилиб, колхозчилар керакли асбоблар блан та'минланди ва звено бошлиғи Холиев уларни чеканкани ўтказиш усули блан батафсил таништирди.

Юсупов номли колхоз а'золари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «Июль ойида ғўза парваришини кучайтириш ва ҳосил тўплаш соҳасида кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги қарорини кенг суратда муҳокама қилиб, ғўза парваришини кучайтириш, ғўзаларнинг яна ҳам яхши ўсиб кўп шона, гул ва кўсак тугиши ҳамда уларни сақлаб қолиш тадбирларини белгиладилар. Колхозчилар июль ойида ғўзаларни 2 марта чуқур кетман чопиқ қилиш, 2 марта саратон сувига қондириб суғориш, 2 марта озиқлантириш мажбуриятини олиб, далаларда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Т. МЎМИН.

Янги МТСда

НАМАНГАН. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Янгиқўрғон районининг Зарбдор, Заркент, Нанай, Фарамон ва Ҳадикент қишлоқ советларидаги колхозларнинг ишини машиналаштиришни янада кучайтириш мақсадида янги МТС ташкил этилган эди.

Давлат бу МТС ни янги машиналар блан та'минлади. Кўпгина кучли трактор, 4 та пахта терадиган машина олинди. МТС коллективи ёзги трактор ремонтини қизғин давом этдирмоқда. 4 та ХТЗ, 3 та НАТИ трактори ремонтдан чиқарилиб, ишга солинди.

МТС коллективи социалистик мусобақани кучайтириб, пахта, тамаки, ғалла ва сабзавот ерларини ҳайдаш ва ишлаш ярим йиллик планини 142, йиллик планни эса 92 процент бажаришга муваффақ бўлди. МТС универсалчилари шу кунларда ғўзани культивация қилиш ишларини кучайтириб, кунлик нормани ошириб бажармоқдалар. Ҳозир бешинчи культивация плани тўла бажарилиб, олтинчи культивация қизитилди.

МТС 132 та механизация кадрига эга. Буларнинг ҳаммаси МТС хизмат қилаётган колхозлардан етишиб чиққан. МТС ма'мурияти (директори ўртоқ Фарҳодов) механизация кадрларининг малакасини ошириш, уларнинг қаторини кенгайтириш юзасидан амалий тадбирлар кўрмоқда.

С. ОТАЖОНОВ.

Андижон область. Бўз район, Ховос қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг далаларида пахтадан мўл ҳосил етиштирилмоқда. **Суратда:** бригада бошлиғи **Ортиқбой Содиқов** (чапдан) ва ҳосилот советининг раиси **Мамажон Ёқубов** ўртоқлар ғўзаларни кўздан кечирмоқдалар.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

Бирлашиш

Бир-бирига ёнма-ён Сарҳанг, Қўшки Сафед ва Даҳҳожи қишлоқларидаги «Учқун» ва «Қизил трактор» колхозлари пахтадан жуда паст ҳосил олар, пахта тайёрлаш планини бажаролмасдан келар эдилар. Бунга сабаб нима эди?

«Учқун» колхозига давлат акти блан 958 гектар ер умрбод фойдаланиш учун берилган бўлса ҳам, шундан атиги 120 гектаригагина чигит экилар эди. Колхозда жам'и 23 хўжалик бўлиб, ҳарбир ишга яроқли колхозчига қарийб 4,5 гектар ер тўғри келар эди. Колхозда ҳаммаси бўлиб 5 та от, 18 та ҳўкиз ва бузоқ бор эди, холос. Бу куч блан 120 гектар пахта майдонини парвариш қилиш қийин эди. 1948 йилда «Учқун» колхози давлатга фақат 96 тонна пахта топширган ёки ҳар гектардан салкам 8 центнердан ҳосил етиштирилган эди.

«Қизил трактор» колхози 1.412 гектар маҳсулдор ерга эга бўлгани ҳолда, атиги 170 гектар ерга чигит экиб келган. Колхозда атиги 28 та хўжалик бўлган. Колхоз 1948 йилда давлат блан тузган шартномасига мувофиқ, ҳар гектардан 6 центнер пахта топшириш ўрнига, атиги 3,5 центнер пахта берган.

Бу ҳар иккала колхоз трактор ёрдамидан баҳраманд бўлолмаган. Чунки, ярим гектар, чораккам бир гектардан иборат бўлган кичик-кичик ерлар — лахтак қарталар тракторнинг ишлашига имкон бермаган.

Даҳҳожи қишлоғидаги «Маданият» колхози юқорида айтилган қўшни колхозлардан ер блан осмонча тафовут қилган.

«Маданият» колхози 110 хонадондан иборат бўлиб, унинг 350 гектар пахта майдони, 14 гектар боғи, 4 та чорва фермаси бўлган. Бу колхоз 1948 йилда салкам 2 миллион сўм даромад қилган. «Маданият» колхозининг деярли ҳамма ерлари трактор блан ишланган. Шу сабабли ҳам «Маданият» колхозида пахта ҳосили йилдан-йилга ошиб, ҳартарафлама ривожланаборган.

«Қизил трактор» колхозининг звено бошлиғи, ВКП(б) а'зоси ўртоқ Тўхта Қурбонов шундай деди:

— «Маданият» колхозининг муваффақияти колхоз активларини ўйлашга, фикр юритишга мажбур қилди. «Учқун» колхозининг активлари блан келишиб, «Маданият» колхози блан бирлашишга қарор бердик, ўз фикримизни колхозчиларнинг умумий мажлисига қўйдик. Колхозчилар бизнинг фикримизни якдиллик блан қувватладилар.

Шундай қилиб, «Қизил трактор» ва «Учқун» колхозлари 1948 йилнинг кузида «Маданият» колхози блан бирлашдилар.

Бирлашишнинг биринчи йилидаёқ колхознинг аҳволи кескин ўзгарди. Буни қуйидаги жадвалдан билиш мумкин:

Колхоз хонадони	пахта майдони (гектар)	боғ	сабзавот	фермалар хили: от	қўй	сигир	қорамол	туя
280	800	28	12	48	3.156	60	384	10

«Маданият» колхози 1949 йилда 800 гектар пахта майдонида мўл ҳосил етиштирди. 1949 йилда 1948 йилдагига нисбатан колхознинг йиллик даромади икки ярим баравар ошиб, қуйидагича бўлган: (сўм ҳисобида)

Пахтадан	чорвачиликдан	пиллачиликдан	боғ-сабзавотчиликдан	тутчиликдан	жам'и даромад	меҳнат кунларига: пул	ғалла (кило)
3.700.000	151.000	160.580	400.000	131.700	4.543.300	11	2,5

Колхоз давлатга топширган пахтаси эвазига, пулдан ташқари, 531 тонна ғалла, 5,7 тонна ёғ, 997 килограмм чой, 28.500 метр газлама олган. Колхознинг давлат банкидаги бўлинмас фондида ҳозир 766.500 сўм пул бор. Колхоз жамоат чорвачилигини ривожлантириш давлат планларини ҳамма турлар бўйича 100 процент бажарган. 1949 йилда асаларичилик ва паррандачилик фермалари тузилган. Паррандачилик фермасида 340 та товуқ, асалчилик фермасида 60 қути асалари боқилмоқда.

Колхозда юқори ҳосил усталари етишиб чиққан. Масалан, ўртоқ Омон Бақоев бошчилигидаги бригада 49 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан, ўртоқ Исмоил Асадов бошчилигидаги бригада 38 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан, Фазолат Исмоилова ҳамда Ашурой Сафарова ўртоқлар бошлиқ звенолар ҳар гектаридан 38 — 40 центнердан пахта топширганлар. Бу бригада ва звено а'золари янада кўпроқ даромад олганлар.

«Маданият» колхози бўлинмас фондидаги маблағ ҳисобидан айни вақтда ўрта мактаб биноси қурмоқда. Шу йилнинг охиригача электр станция, катта ҳаммом, медицина пункти, болалар боғчаси ва ясли учун янги бинолар қурилиб битади. 100 хўжаликка янги типда туражой қуриш планлаштирилган.

Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Файзи Обидов, колхоз раиси коммунист ўртоқ Раҳим Ноков қуйидагиларни айтдилар:

— Майда колхозларнинг ҳартарафлама юксалиши анча қийин бўлишини биз ўз колхозимизнинг мисолида кўриб билдик. «Қизил трактор» ва «Учқун» колхозлари бизнинг колхозга бирлашганларидан кейин, колхозимиз йириклашди. Колхозимизнинг ҳозирги муваффақияти — ҳартарафлама ривожланиш томон қўйилган биринчи қадамдир. Пахта ҳосилини кўтаришда қўлга киргизган дастлабки ютуғимизни механизация ҳал қилди. Шу йил кўкламда пахта майдонларини йириклаштирдик. Бу чора 800 гектар ернинг ҳаммасини трактор кучи блан ҳайдатишга имкон берди, умумий майдоннинг 60 процентига чигитни трактор блан экдик. Хуллас, колхозчиларимиз бу йил ҳар гектардан камида 25 центнердан пахта ҳосили етиштириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

«Маданият» колхозидан Свердлов райони ва областьнинг бошқа районларидаги колхозлар ўрнак олмоқдалар. Чунки майда колхозларни йириклаштириш— колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашда ва қишлоқ хўжалигини тобора ривожлантиришда ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини колхозчилар амалда кўрмоқдалар.

Шу райондаги Куйбишев номли колхоз Каганович номли колхоз блан бирлашди. Натижада, Каганович номли колхознинг умумий пахта майдони 860 гектарга етди. Ленин номли, Каганович номли майда колхозлар Сталин номли йирик ва юқори ҳосилли колхозга қўшилдилар. Ҳозир Сталин номли колхознинг пахта майдони 700 гектарга етди. Ғиждувон районида ҳам 20 га яқин майда ва камқувват колхоз йирик ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам колхозлар блан бирлашдилар. Йириклашган колхозларда ғўза парвариши майда колхозларга қараганда кўп марта яхши сифатли ва тез сур'ат блан бораётир.

С. КАРИМОВ.

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Қорақалпоғистонда ғўза парвариши кечиктирилмоқда

Қорақалпоғистон АССР пахтакорлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун Ўзбекистоннинг Наманган области ва Туркманистоннинг Тошовуз области пахтакорлари блан социалистик мусобақа шартномаси тузиб, ўз зиммаларига катта мажбурият олганлар.

Мўл ҳосил тўплашда энг муҳим пайт бўлган шу кунларда республиканинг пахта далаларида ғўза парвариши қизғин давом этмоқда. Социалистик мусобақага минглаpча колхозчилар, звено ва бригада бошлиқлари, колхозлар қатнашмоқда. Яқинда Наманган область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Қорақалпоғистонда бўлди. Бригада ғўза парваришининг аҳволи блан танишиб, бирқанча жиддий камчиликларни очиб ташлади ва уларни тугатиш юзасидан қимматли маслаҳатлар берди.

Наманган пахтакорларининг маслаҳатларига амал қилиб, аниқланган камчиликларни тезроқ тугатиш юзасидан белгиланган тадбирлар амалга оширилган колхозларда, масалан, Тўрткўл районидаги «Социализм», Максим Горький номли, Жданов номли, Усмон Юсупов номли, Чимбой районидаги Охунбобоев номли колхозларда яхши натижаларга эришилди. Лекин бирқанча колхоз ўзаро текшириш бригадасининг маслаҳатларидан тегишли хулоса чиқариб олмади.

Шу кунларда республиканинг пахта далаларида ғўза парвариши — культивация, чопиқ ва суғориш ишлари янада бўшашди. 10 июльгача республикада учинчи культивация ва чопиқ тамомланмаган, тўртинчи культивация 73,3 процент бажарилган. Шунингдек, ғўзани суғориш ва қўшимча озиқлантириш ишлари ҳам кечиктирилмоқда.

Куйбишев, Чимбой, Қораўзак районларида ғўза парвариши айниқса кечиктирилаётир. Бу районларнинг раҳбарлари ғўза парваришида колхозларга юзаки раҳбарлик қилмоқдалар. Натижада, Куйбишев ва Чимбой районлари ғўза парваришида энг кейинги ўринга тушиб қолдилар. Республикада ғўзани суғориш графиги доим бажарилмай келаётир. Куйбишев районида пахта майдонининг фақат 47 проценти учинчи марта суғорилган, тўртинчи суғоришга ҳали киришилмаган.

Районнинг колхозларида айрим колхозчилар, бригада ва звенолар ўртасидаги мусобақа шартномалари ҳалигача расмийлаштирилмаган. Дала шийпонлари жиҳозланмаган, далада иссиқ овқат ташкил қилинмаган. Болалар яслилари ва майдончалари яхши ишламайди. Меҳнат интизоми бўшашиб кетганлиги натижасида, айрим колхозчилар ишга чиқмайди. Далада ишлаётган колхозчиларнинг бир қисми кунлик нормани бажармайди. Қораўзак, Тахтакўпир, Чимбой районларидаги колхозларда ҳам ғўза парваришида шундай жиддий камчиликлар бор.

Ғўзанинг авж олиб ўсиши, мўл ҳосил тўплаши ва тез етилиши учун уни азот, фосфор ва калий ўғитлари блан озиқлантириш зарур. Лекин республикада ғўзани озиқлантириш иши яхши уюштирилмаган. Пахта майдонларининг ҳаммасида биринчи ўғитлаш тамом бўлмаганидек, атиги 43,3 процент ердаги ғўзалар иккинчи марта озиқлантирилган, холос. Бутун имконият бўлишига қарамай, кўп колхозларда ғўзалар ҳали бир марта ҳам озиқлантирилмаган.

Меҳнатнинг ёмон уюштирилиши, интизомнинг бўшашиб кетганлиги ғўза парваришининг сифатига ёмон та'сир қилмоқда. Ишга яроқли колхозчиларнинг талай қисми ғўза парваришида қатнашмаётир. Масалан, Шоббоз районидаги Карл Маркс номли колхозда колхозчиларнинг қарийб 30 проценти ғўза парваришида ишламайди.

Куйбишев, Қораўзак, Чимбой районларининг раҳбарлари ғўза парваришида юз берган ўпирилишни тугатишга бор кучни сафарбар қилиш ва ҳарбир кундан мўл ҳосил тўплаш учун фойдаланиш ўрнига, ғаниматвақтни қўлдан бой бермоқдалар.

Қорақалпоғистон АССР колхозларида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг июль ойида мўл ҳосил тўплаш тадбирлари тўғрисидаги қарори қониқарсиз бажарилмоқда. Область партия комитети ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ғўза парваришига қониқарли раҳбарлик қилмаётирлар. Қорақалпоғистон АССР партия ва совет ташкилотлари юз берган беғамлик ва хотиржамлик кайфиятларига дарҳол хотима бериб, ғўза парваришини ҳартарафлама кучайтириб юборишлари керак.

С. АЛИЕВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг инструктори.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„ТААЖЖУБ"

«Қизил Ўзбекистон» нинг ўтган сонларидан бирида юқорида кўрсатилган сарлавҳа остида мақола босилиб, унда Тошкент область, Мирзачўл районида Не'мат Хакимов деган шахс 1946 йилдан буён район маданий-оқартув бўлимида мудир, кейинчалик октябрь қишлоқ советида, ниҳоят шу қишлоқ советидаги «Зарбдор» колхозида раис бўлиб ишлаб, турли найранглар ва қалбаки ҳужжатлар блан давлат ҳамда жамоат мулкини талон-торож қилиб келганлиги кўрсатилган эди.

Мирзачўл район прокурори ўртоқ Юсупов бу мақола юзасидан текшириш ўтказилиб, унда кўрсатилган фактлар тўғри топилганлигини редакциямизга хабар қилди. Давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилиб келган Хакимов ишдан олинди ва СССР Олий Совети Президиумининг 1947 йил 4 июль фармонига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилди.

Босилмаган хабарлар изидан

Редакциямизга келган бир хабарда Тошкент область, Чиноз районидаги «Иккинчи бешйиллик» колхозининг раиси Мадалиев қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиб, раҳбарлик ишларида жиддий хатоларга йўл қўйиб келаётганлиги ва район қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Полвонов унга нисбатан ҳечқандай чора кўрмай, аксинча, Мадалиевни ҳимоя қилиб келганлиги кўрсатилган эди.

Текширишда аниқланган фактлар Чиноз район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, «Иккинчи бешйиллик» колхозининг раиси Мадалиев қаттиқ огоҳлантирилди ва келгусида бундай хатоларга йўл қўйган тақдирда, вазифасидан бўшатилиб, жиноий жавобгарликка тортилиши уқдириб ўтилди. Район қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Полвонов ҳам огоҳлантирилди, унга «Иккинчи бешйиллик» колхозида тафтиш ўтказиб, натижасини колхозчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилиш топширилди.

☆

Тошкент область, Қуйичирчиқ район матлубот союзига қарашли Солдатское поселкасидаги ошхона меҳнаткашлар талабига жавоб бермаётганлиги, ундаги овқатларнинг сифати жуда паст эканлиги ҳақида редакциямизга бир хабар келган эди.

Қуйичирчиқ район ижроия комитети бу хабар юзасидан текшириш ўтказиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди.

Район матлубот союзининг раиси ўртоқ Гуреевга ошхонада тез кун ичида тартиб ўрнатиб, овқатларнинг сифатини яхшилаш ҳақида тегишли кўрсатмалар берилди.

Дин халқ учун аф'юндир

«Дин халқ учун аф'юндир» деган эди Маркс. Ҳақиқатан ҳам, дин меҳнаткаш халқ оммасининг онги ва ҳаётини заҳарлайдиган, уни бахтсизликка, қашшоқликка, ҳуқуқсизликка ташлайдиган, инсоннинг ўз кучи ва қудратини ўзига қарши қўйидиган бир аф'юндир. Дин майдонга келиб чиққандан бошлаб то ҳозирга қадар ҳамиша меҳнаткаш халқ оммаси эзилиши ва талон-торож этилишининг, фанатизм асоратида бўғилиши ва маданиятсизлик ботқоғига ботишининг кучайишига сабаб бўлган энг асосий омиллардан бири бўлиб келди.

Ленин бундай деган эди:

«Худо идеяси ҳамиша қуллик (ёмон, қутилиб бўлмайдиган қуллик) идеяси бўлганлигидан, жонлиликни ўлимтаклик блан алмаштириб, ҳамиша «ижтимоий ҳисларни» бостириб ва ўтмаслаштириб келди».

Узоқ асрлар мобайнида дин, худо ҳақидаги масалалар бирқанча олимларнинг диққат марказида турган ва миллионларнинг фикрини машғул этган асосий масалалардан бўлиб келди. Улар бу масалаларни ҳархил изоҳлашга уриндилар. Эксплоататор синфларнинг вакиллари динни, мутаассибона тасаввурларни ҳақиқий илдизларидан, я'ни ердаги, жамиятдаги уларни туғдирган иқтисодий-ижтимоий сабаблардан ажратиб ташлаб тушунтиришга, уларни қандайдир илоҳий, туғма, ҳечқачон майдонга келмаган, ҳамиша бор бўлган ва ҳамиша бор бўлажак бир нарсага айлантиришга ҳаракат қилдилар. Шундай қилиб, эксплоататор синфларнинг вакиллари диннинг, худо ҳақидаги идеянинг, ҳарқандай фанатик тушунчаларнинг тарихий эканлигини инкор этдилар ва абадийлаштирдилар. Улар жамият динсиз, худо ҳақидаги идеясиз тураолмайди ва турмаслиги керак деган да'вони ҳам қилдилар.

Француз мутафаккири ва ёзувчиси Вольтер (1694—1778) ва унга ўхшашлар айтган эдиларки, худо ҳақидаги идея, дин бўлмаганда эди, «қора халқни» қўлда тутиб туриш ва жамиятда «тартиб» сақлаш мумкин бўлмас эди; шунинг учун худо ҳақидаги идея, дин бўлмаганда ҳам уни яратиш, кашф этиш керак эди, чунки унинг воситаси блан халқни қўлда тутиб туриш, халқнинг орасида «тартиб» сақлаш мумкин. Шундай қилиб, Вольтер эксплоатация ва талон-торожлик, ҳоким ва маҳкумлик системасини, моддий ва ма'навий қулликни сақлаб қолишда динга ва худо ҳақидаги идеяга жуда катта, ҳатто мустасно аҳамият берган эди.

Инсоният тарихида, ижтимоий — фалсафий фикр тарихида биринчи дафа фақат марксизм-ленинизм классикларигина дин масаласини тамомила янгича, тўлиқ илмий асосда ҳартарафдан тўғри ҳал қилдилар ва асрлар мобайнида инсоният фикрининг бу соҳадаги адашишларига чек қўйдилар.

Дин нима демакдир?

Бу саволга Энгельс бундай ажойиб жавоб беради:

«Ҳарбир дин инсонларнинг кундалик ҳаётларида уларнинг устидан ҳокимлик қилувчи ташқи кучларнинг шу инсонлар бошидаги фантастик ин'икосидан, ердаги кучларнинг фавқултабиий шакл олган ин'икосидан бошқа нарса эмас».

Ҳақиқатан ҳам, агар, масалан, ибтидоий босқичдаги, жуда ҳам оддий ва содда ишлабчиқариш қуролларидан фойдаланган ва онги жуда ҳам қуйи даражада бўлган инсонни олинса, кўринадики, у ўз атрофини ўраб олган табиатни тўғри тушуна ва баҳолай олмаган, ўз атрофида бўлаётган ва ўз устидан ҳокимлик қилаётган ҳодисаларни, мавжудотни, уларнинг моҳиятини, ички сир ва қонуниятларини тушунаолмаган. У, осмон ва юлдузларнинг, қуёш ва ойнинг моҳият ва характерини англайолмаган, ўт ва чақмоқнинг, уйқу ва тушнинг, касаллик ва ўлимнинг, сув тошқини ва қурғоқчиликнинг ҳақиқий сабабларини билаолмаган. Бунинг натижасида ҳамда бу ҳодиса ва буюмларнинг ўшал ибтидоий инсонларга ҳал қилувчи та'сир кўрсатгани натижасида ибтидоий инсон ниҳоят даражада мураккаб ва чегарасиз табиатга, ундаги сонсиз-саноқсиз буюмларга ва ҳодисаларга қандайдир сирли мазмун ва илоҳий характер, қандайдир ғайри-табиий ма'но ва руҳий моҳият берабошлади, я'ни борлиқни бузуқ, нотўғри тушуниб, унга бошқача ма'но берабошлади, унинг асосига бошқа, илоҳий моҳият қўябошлади. Шундай йўл блан табиатдаги бирқанча буюмларга, масалан, ойга, қуёшга, оловга топиниш бошланди. Энгельс ёзган эди:

«Дин энг қадимий вақтларда инсонларнинг ўз табиати ва уларни ўраб олган ташқи табиат ҳақидаги энг нодон, қоронғи, ибтидоий тасаввурларидан келиб чиқди».

Айниқса, қарама-қарши синфларнинг, эксплоатация системасининг, ҳокимлик ва маҳкумликнинг келиб чиқиши блан алоқадор ўлароқ фанатик тасаввурлар, бузуқ тушунча ва фикрлар бутун-бутун дун'ёқарашлар сифатида системалашдилар ва ҳархил динлар ривожлана ва кучаябошладилар. Улар ижтимоий онгнинг бир формаси бўлиб, ҳоким ижтимоий синфларнинг мафкурасига айландилар ва буларнинг қўлида эксплоатация қилинувчи, маҳкум гуруҳ ва синфларни моддий ва ма'навий жиҳатдан талаш, эзиш, қул қилиш қуроли бўлиб хизмат қилабошладилар. Эксплоататор синфлар халқ оммасининг орасида жамият ва табиат ҳақида ҳарқандай хурофий, бузуқ, диний фикрларни кўплаб ёйишга қўлларидан келганча зўр бериб ҳаракат қилдилар. Шундай қилиб, дин синфий жамиятларда, эксплоататор синфларда ўзининг яшаши ва ривожланиши учун жуда қулай замин топди.

Синфий жамиятларда диннинг ривожланиши ва қаттиқ ўрнашиб олишининг, қулчилик, феодал ва капиталистик жамиятларда миллион-миллион меҳнат аҳлларининг худога, динга, шунингдек ҳархил хурофий нарсаларга инонишларининг, берилишларининг сабаби шундан ҳам иборатки, улар жуда оғир эксплоатация, чидаб бўлмас даражада қашшоқлик, ҳуқуқсизлик ва маданиятсизлик асирлигида бўладилар. Улар бундай аҳвол ва қулликка қарши норозилик билдирадилар, курашадилар, бахт-саодатга интиладилар. Лекин улар бирқанча сабабларга кўра, жумладан жамиятнинг ривожланиш ва ўзгариш қонунларини билмасликлари натижасида, мағлубиятга учрайдилар, уларнинг ҳаққоний умид ва орзулари ҳоким ижтимоий борлиқнинг қаттиқ тошларига урилади, уларни минг турли балолар бағрига ташлаган ижтимоий борлиқ эса ўрнидан қўзғолмай қолаберади, талаш, ҳуқуқсизлик системаси аввалгича уларни ўз исканжасига олиб эзаберади. Натижада, бу бечора миллионлар ўз аҳволларини тузалмайдиган бир нарса сифатида тасаввур қилабошлайдилар, ўзларини чиқиб бўлмайдиган вазиятдагидек ҳис қиладилар, диннинг «бу дун'ёда бахт йўқ» деган сафсатасига инонадилар, ўзларининг умид ва орзуларини осмонга, йўқ кучга боғлайдилар, унга нажот манбаи деб қарайдилар, ўзларининг оғир аҳволдан қутилиш ва бахт-саодатга эришиш ҳақидаги умидларини «нариги дун'ё» блан боғлайдилар. Диннинг, диний таассуфларнинг ижтимоий илдизларини фош қилиб, Ленин айтган эдики, синфий жамиятда «дин ҳамиша бошқаларга хизмат қилиш, эҳтиёж ва ёлғизлик блан эзилган халқ оммаларининг устида ҳаммавақт ва ҳар ерда ётган руҳий зулмларнинг бир туридир. Ваҳшийнинг табиат блан курашидаги кучсизлиги унда худоларга, шайтонларга, му'жизаларга ва ҳоказога инониш ҳиссини туғдирганидек, эксплоатация қилинувчи синфларнинг эксплоататорлар блан курашидаги кучсизлиги ҳам уларда ўлгандан кейинги яхши ҳаётга инониш ҳиссини туғдиради».

Дин нимага ўргатади ва қаерга олиб боради? Агар биз диннинг қуйидаги асосий қоидаларини изоҳласак, бу саволга берилиши керак бўлган тегишли жавоб ойдин бўлади.

Дин (ислом, христианлик ва ҳоказо) дун'ёни ва ҳаётни иккига бўлиб ташлайди. Дин, инсон ўзининг бахт-саодатга эришиш ҳақидаги умидларини нариги дун'ёгагина боғлаб, шу блан қаноатланиши ва йўқ келажакни — ўлгандан кейинги «иккинчи ҳаётни» кутиши керак, дейди.

Дин бутун борлиқни, ижтимоий тартибларни ва тузумларни худо тарафидан ўрнатилган ва тайин этилган деб, синфий жамиятларда бўлган баравcovсизликни, бировларнинг қашшоқлиги, бошқаларнинг эса ўз бойлигини ҳеч ерга сиғдираолмаслиги каби фактларни, ба'зилар маҳкум бўлиб, бошқалари ҳоким эканликлари каби аҳволларни худонинг иродаси, истаги ва фаолиятига боғлайди ва шундай қилиб, бу ҳолларни шундай қолиши керак бўлган ва қоладиган даҳлсиз нарса сифатида талқин этади. Дин бундай адолатсиз ҳолларнинг асосида ётган хусусий мулкчиликни муқаддас бир нарса деб э'лон қилади.

Шундай қилиб дин, халқнинг қўлоёқларини боғлайди, унинг ёмонликка қарши ва яхшилик учун курашларини ма'носизликка айлантиради, рад этади ва тўғридан-тўғри тақдирчиликка, фатализмга олиб боради. Дин зулм ва эксплоатация исканжасида азоб чекаётган одамга мурожаат қилиб уқдирадики, модомики ҳар нарсани худо тайин қилар экан, сен шу худони сев, тақдирга бутунлай бўйсун; ўзингнинг қулларча яшаш шароитинг блан, сени нима иҳота қилса ва нима эса, ўша блан келиш, норозилик билдирма. Шундай қилиб, дин ижтимоий ҳодисаларнинг ердаги сабабларини, я'ни уларни туғдирган ва тақозо қилган ижтимоий сабабларни инкор этади, синфий жамиятларда миллион-миллион меҳнаткашларни қашшоқликка ва ҳуқуқсизликка ташлаган ҳақиқий сабабларни беркитади ва шу блан бу сабабларни ҳам, қулликни ҳам абадийлаштиришга ҳаракат қилади.

Дин синфий кураш ўрнига бутун синфларни келиштириш идеясини, ҳамма синфларнинг, уларнинг манфаатларининг, интилишларининг гармониклиги идеясини қўяди. Дин синфий кураш ўрнига «ҳамма учун баравар» ва «таалluқли» «умумий севги» идеясини қўяди. Бу идея синфий жамиятларда ҳоким эксплоататор синфларнинг манфаатини кўзлайди, чунки бу идея мазлум ва таланганларни золим ва эксплоататорни севишга, қариндош ва дўст деб билишга чақиради. Бу «умумий севги» идеяси меҳнаткашларнинг синфий онгини ўтмаслаштиради, уларнинг курашининг кучайишига халал беради, одамни одам тарафидан эксплоатация қилиш асосига қурилган жамиятнинг сақланишига ёрдам беради.

Дин одамларнинг бир-биридан фарқини, уларнинг синфий мансубиятида эмас, аксинча, қайси динда эканликларида кўради ва бир диндагиларни бир бутун, бир оила деб олади, бошқа диндагиларни эса уларнинг душманидир, дейди. Шунга асосланиб, масалан, ислом дини мусулмон динидаги халқлар блан бошқа диндаги халқлар орасида душманлик яратади, уларни бир-бирларига қарши қўяди. Шундай қилиб, дин ҳарбир антагонистик синфий жамиятда одамларнинг бир-бирига қарама-қарши синфларга бўлинишини, улар орасидаги курашни бўяйди, инкор этади ва бу курашни ҳархил диндагилар кураши, тўқнашиши блан алмаштиради.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

МУҒУЛИСТОН ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БЛАН УЛАН-БАТОРДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

УЛАН-БАТОР, 11 июль. (ТАСС). Кеча Улан-Батордаги Давлат театрида Кичик Хурали Президиуми, Министрлар совети ва Мўғулистон халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг Мўғулистон халқ революциясининг 29 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди. Президиумда Мўғулистон халқ республикаси бош министри маршал Чойбалсан, Мўғулистон халқ-революцион партияси Марказий комитетининг бош секретари Цеденбал, Мўғулистон халқ республикаси Кичик Хурали Президиумининг раиси Бумаценде ва бошқалар — партия ҳамда ҳукумат раҳбарлари, шунингдек СССРнинг Мўғулистон халқ республикасидаги фавкулодда ва мухтор элчиси Ю. К. Приходов ва Хитой халқ республикасининг Мўғулистон халқ республикасидаги фавкулодда ва мухтор элчиси Цзи Я-тай ўтирипдилар.

Театр зали партия, касаба союз ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, пойтахтдаги фабрика ва заводларнинг ударниклари, фан, маданият, сан'ат арбоблари ва Мўғулистон армияси жангчилари блан лиқ тўлган эди.

Тантанали мажлис қатнашчилари ВКП(б) Марказий Комитетининг бутун дун'ё меҳнаткашлари улуғ йўлбошчиси ўртоқ И. В. Сталин бошлиқ Сиёсий Бюросини ғоят баланд руҳ блан фахрий президиумга сайладилар.

Мўғулистон халқ-революцион партияси Марказий комитетининг секретари Дамба Мўғулистон халқ революциясининг 29 йиллиги ҳақида доклад қилди.

Ўтган йили, — деди Дамба, — улуғ Совет Иттифоқининг қардошларча берган ёрдами ҳамда улуғ Сталиннинг кун сайин қилаётган ғамхўрлиги ва э'тибори туфайли мамлакатимиз экономикаси ва маданиятининг ҳамма тормоқлари тўхтовсиз янада ўсди ва ривожланди. Меҳнаткашларнинг моддий аҳволини янада яхшилашда анча катта янги муваффақиятларга эришилди.

Мўғулистон халқ республикасининг халқаро аҳволи янада мустаҳкамланди. Мўғулистон халқ республикаси барча халқ демократияси мамлакатлари блан дипломатия муносабатлари ўрнатди.

Докладчи Қуриядаги воқиалар ҳақида гапириб, Қуриядаги америка агрессиясини қаттиқ қоралади, бутун тараққийпарвар инсониятдек, мўғул халқи ҳам СССР ташқи ишлар министри ўринбосари Громиконинг Қуриядаги америка қуролли интервенцияси ҳақидаги баёнотига тамомила қўшилади ва бу баёнотни томомила қувватлайди, деди. Мамлакатимизнинг ҳамма жойларида, — деди докладчи, — катта митинглар бўлмоқда. Бу митингларда мўғул халқи бутун тараққийпарвар инсоният блан бирга, Қуриядаги америка интервентларининг жиноий ҳаракатларини қаттиқ қораламоқда ва «Қуриядан қўлингни торт!» деб якдиллик блан талаб қилмоқда.

Дамба ўтган йили Мўғулистон халқ республикаси эришган катта муваффақиятлар ҳақида тапириб, чорва моллариннинг кўпайиши энг катта муваффақиятлардан биридир, деди. Мамлакатимиз экономикасининг асоси ҳисобланган чорвачиликни ривожлантириш блан бирга, — деди ўз сўзини давом эттириб Дамба, — халқ хўжалигининг саноат, транспорт ва савдо каби муҳим тормоқлари ҳам тўхтовсиз ривожланмоқда. Мамлакатда катта ёшдаги аҳолининг 62,7 проценти саводхон бўлиб қолди. Биз, — деди докладчи, — саводсизликни бутунлай тугатиш арафасида турибмиз.

Тантанали мажлис қатнашчилари барча меҳнаткашларнинг улуғ йўлбошчиси, мўғул халқининг энг яхши дўсти ўртоқ И. В. Сталинга ғоят баланд руҳ блан табрик телеграммаси қабул қилдилар. Маршал Чойбалсанга, Молотов ва Шверник ўртоқларга ҳам табрикномалар қабул қилинди.

ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 11 июль. (ТАСС). Пхеньян радиоси қуйидаги хабарни эшттирди: Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун эрталаб ахборот э'лон қилди, ахборотда бундай дейилади:

Халқ армиясининг қисмлари америка қуролли кучларига қарши шиддатли жанглар қилиб, ҳужумни давом этдирмоқдалар.

Америка авиацияси қуруқликдаги ўз қўшинларига мадад бериш ниятида қаттиқ бомбардимон қилмоқда. Шунга қарамай, Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда ҳужумни давом эттирмоқдалар.

Шарқий соҳилда америка ҳарбий кемалари тинч аҳоли яшаб турган жойларни ваҳшиёна бомбардимон қилдилар, лекин Халқ армияси қисмларининг ўқи блан ҳайдаб юборилдилар.

Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армияси Бош қўмондонлигининг кечки ахборотида бундай дейилади:

Халқ армиясининг қисмлари бутун фронт бўйлаб ҳужумни давом этдирдилар. Халқ армиясининг Имсон (Индизио) шаҳри томонида ҳаракат қилган қисмлари 10 июль соат 14 да Имсон шаҳрини ва унинг атрофидаги қишлоқларни озод қилдилар. Имсон шаҳри учун бўлган жангларда душман аскарларидан кўп киши ўлди ва асир олинди.

Америка авиацияси озод қилинган территориядаги тинч қишлоқ ва шаҳарларни: Пхентхэк (Хэйтаку), Ичхонь (Рисен), Сувон (Суйген) ва Чхунчжу (Цюсю)ни ваҳшийларча бомбардимон қилди. Тинч аҳоли ўртасида қурбонлар бор.

Халқ армияси қисмлари «В — 29» типидаги уч америка бомбардимончи аэропланини уриб туширдилар.

МАКАРТУР ШТАБИНИНГ АХБОРОТИ

НЬЮ-ИОРК, 11 июль. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Токиодаги мухбири билдиради: Макартур штабининг ахборотида Қурия халқ демократик республикаси Халқ армиясининг янги муваффақиятлари та'кидлаб ўтилади.

Шимолий Қурия қўшинларининг Имсон (Индизио)—Чхунчжу (Цюсю) районидаги ҳужуми бирмунча муваффақият қозонди, — дейилади ахборотда. — Жанубий Қурия қўшинлари Имсондан ғарби-шимолдаги тоғлик жойга чекинмоқдалар.

9 июльда Шимолий Қурия қўшинлари Чечхонь (Тейсен) районида илгари силжидилар.

Шарқий соҳилда активликнинг ошганлиги жанубга силжиб бораётган шимолий Қурия қўшинларининг ҳужуми кучаяётганлигидан дарак беради.

Сўнгра ахборотда айтилишича, Тан Ан районидаги уруш ҳаракатлари, шунингдек Шарқий соҳилдаги ҳаракатлар «муҳим алоқа йўллари маркази бўлган Тэгу (Тайко)га хавф туғдиради».

ҚУРИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ЛОНДОН, 11 июль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Токиодаги мухбири билдиради: генерал Макартур штаби қуйидаги хабарни э'лон қилди: Америка Қўшма Штатларининг Узоқ Шарқдаги ҳарбий-ҳаво кучлари 25 июньдан буён 20 аэроплан йўқотдилар. Илгари хабар берилганидек, бедарак йўқолган «С—54» деган 5 аэроплан ва «Мустанг» деган битта Австралия аэроплани бу ҳисобга кирмайди.

ШАНХАЙ, 11 июль. (ТАСС). Токиодан олинган хабарларга қараганда, Япониядан Қурияга америка қўшинларини жўнатиш давом этмоқда. Қурияга жўнатилаётган солдатларнинг чеҳрасидаги умидсизлик ва хафачилик диққатни жалб қилади. Қурияга жўнаб кетаётган солдатлар Японияда қолучи қисмларнинг ҳарбий хизматчиларини ҳақоратли сўзлар блан сўкмоқдалар ва уларга «уруш бўлаётган жойларга сайр қилиб боришни» таклиф этмоқдалар.

Жанубий Қуриядан олинган хабарларга қараганда, америкалилар истеҳкомлар қуришда тинч аҳолидан, шу жумладан болалар ва хотин-қизлардан фойдаланмоқдалар. «Старс энд страйпс» газетасида босилган суратдан бирқанча ўспиринларнинг истеҳкомлар қуришда ишлаётганлиги кўриниб турипти. Ярим оч кишиларни эртадан кечгача ишлашга мажбур этмоқдалар.

Хабарларга қараганда, америкалилар Шимолий Қурия қўшинларининг асир тушган ярадор жангчилари блан ваҳшийларча муомала қилмоқдалар. Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири Миллер томонидан берилган хабарга кўра, асир тушган ярадор жангчилар медицина ёрдамисиз, овқатсиз ва ҳатто сув ҳам олаолмасдан бирнеча соатлаб офтобда ётмоқдалар.

ЛОНДОН, 11 июль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Токиодаги мухбири хабар беради: Шимолий Қурия қўшинларининг ҳужуми остида америка қўшинлари бугун Тэчжон (Тайден)га борадиган асосий йўл бўйлаб яна жануб томонга чекиндилар.

Бугун эрталаб америка қўшинлари Тэчжондан тахминан 25 миля шимолдаги муҳим темир йўл узели бўлган Осонни (Циоцинин)ни қўлда тутиш учун қаттиқ жанг қилдилар.

Америка аэропланлари қуруқликдаги қўшинларга мадад беришни давом эттирмоқдалар, броқ, хабарларга қараганда, об-ҳаво ёмон бўлганлиги сабабли, америка аэропланлари унчалик иш кўрсатаолмаётир.

ЛИСИНМАНЧИЛАР ПОЛИЦИЯСИНИНГ ВАҲШИЙЛИКЛАРИ

НЬЮ-ИОРК, 11 июль. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Қуриядаги мухбири Поутс америкалилар қуроллантирган ва та'лим берган лисинманчилар полицияси Жанубий Қуриядаги тинч аҳоли блан ваҳшийларча муомала қилганлигини ўз кўзи блан кўрганлигини хабар қилади. Поутснинг айтишича, у «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳарбий кузатучиси» австралияли Р. Ж. Рэнкин блан бирга кичик бир ўрмонзорга машинада келган. Бу ерда иккита очиқ юк автомашинаси турган экан. Бир машинада 40 га яқин киши тиз чўктириб қўйилган. Америка милтиғи блан қуролланган полиция ходими машинадаги кишиларни калтаклаётган экан. Бизнинг саволимизга, — дейди Поутс, — полиция ходими «булар партизанлар» деб жавоб қайтарди ва, ўрмон ичига олиб бориб отиб ташланади, деди. Полиция ходимининг айтишича, машинадаги кишилар «полиция томонидан партизан деб гумон қилиниб, Жанубий Қурия қўшинлари позицияларии ёнида ушланганлар экан».

«Биз машиналар ёнидан жўнаб кетгач, — дейди ўз сўзини давом этдириб мухбир, — полиция ходимлари бирнеча кишининг ўлигини юк машинасидан ерга ташладилар. Соқчилар иккинчи юк машинасидаги кишиларни калтаклашни давом этдирдилар».

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ САЙЛОВДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

ПАРИЖ, 11 июль. (ТАСС). «Юманите» газетаси Нор департаментидаги Дюнкеркда бош маслаҳатчи сайловида коммунистлар ғалаба қозонганлигини хабар қилди. Дюнкеркдаги сайлов, — деб ёзади газета, — бош маслаҳатчи коммунист Люсьен Дюффюле Жюль Мок ички ишлар министри бўлган вақтда ўз вазифасидан четлатилганлиги сабабли ўтказилган эди. Янги сайловда яна Л. Дюффюленинг номзоди кўрсатилди. Сайлов икки даврада ўтказилди. Иккинчи даврадаги овоз бериш натижаси шуни кўрсатдики, МРП (халқ-республика ҳаракати) номзоди социалистлар номзоди фойдасига овозга қўйилишидан бош тортганига қарамай, коммунистлар партияси кўрсатган номзодга кўпчилик овоз берилди. Люсьен Дюффюле яна кўпчилик овоз блан бош маслаҳатчи қилиб сайланди.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК КУЧЛАРИНИНГ ЖАНГ ҲАРАКАТЛАРИ

ШАНХАЙ, 11 июль. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: июнь ойининг охирида Вьетнамнинг демократик кучлари Сайгондан шимолда Ту-Дау-Мот вилояти яқинида французларнинг 8 автомашинасини яксон қилдилар ва 12 автомашинасига жиддий шикаст етказдилар.

20 июньда француз қўшинлари Сайгондан шимолдаги ботқоқлик районида авиация ёрдами блан ҳужум бошладилар.

Вьетнам Демократик республикасининг қўшинлари қарши ҳужумга ўтиб, душманга айниқса Бинь-Киен тепалиги районида ва Кай Ба округида катта талафот етказдилар. Беш кун давом этган қаттиқ жанглардан кейин Вьетнам демократик кучлари француз қўшинларининг қолган-қутганларини бу райондан тамомила суриб чиқардилар.

ИСРОИЛ ДАВЛАТИДА РЕАКЦИЯ ҲУКМ СУРМОҚДА

ТЕЛЬ-АВИВ, 11 июль. (ТАСС). «Ал Гамишмар» ва «Кол гаам» газеталари Исроил давлати ма'мурларининг Қуддус атрофидаги Абу Гош деган араб қишлоғида 7 июльда ялпи «тинтув» ўтказганликлари тўғрисидаги хабарни ғазаб блан босиб чиқардилар. Бу қишлоқдаги 100 дан ортиқ киши, шу жумладан болалар, хотин-қизлар ва кексалар оилаларидан ажратилиб, полиция соқчилигида «нома'лум томонга» жўнатилган. Бунга сабаб шуки, бу кишиларнинг истиқомат ҳақидаги ҳужжатлари талабга жавоб бермаган эмиш.

Газеталарнинг ёзишича, Исроил давлати тузилгандан буён биринчи марта мамлакатнинг араб аҳолисига қарши шундай миқ'ёсда жазо чоралари қўлланган. Қамоққа олинган ҳамма кишилар Исроил давлатидаги араб оилаларининг а'золаридир. Бу кишиларнинг «жиноятн» узоқ вақт саргардон бўлиб юргандан кейин ўз оилаларига қайтиб келишдан иборатдир.

Исроил давлатининг ма'мурлари аввалги истиқомат жойларига қайтиб келучи арабларга «ғайри қонуний йўл блан мамлакатга кирган» ва давлатдан сургун қилиниши лозим бўлган кишилар деб қарамоқдалар.

Япония полициясининг ўзбошимчалиги

ШАНХАЙ, 10 июль. (ТАСС). Японияда чиқадиган «Асахи» газетасининг хабарига қараганда, Токио полицияси 6 июльда совет-япон дўстлиги жамияти Токио бўлимлари уюшмасининг йиғилишини тарқатиб юборган.

Мас'ул муҳаррир
Ҳ. ҒУЛОМОВ.

ҲИНДИСТОНДА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ ҲАРАКАТИ

ДЕҲЛИ, 11 июль. (ТАСС). «Кросроудс» газетаси хабар беради: Ҳиндистон ма'мурларининг та'қиб қилишларига қарамай, бутун Ҳиндистонда Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш баланд руҳ блан давом этмоқда. Бомбайдаги «Град медикэл колледж» медицина институтининг ҳамма ходимлари Мурожаатга қўл қўйдилар. Бхаванди шаҳрида 4.000 дан ортиқ киши кечаси полициядан яшириб митинг ўтказдилар. Митингда ёзучилар ва шоирлар тинчлик учун курашга бағишланган асарларини ўқиб бердилар. Митинг тамом бўлгандан кейин унда қатнашган ҳамма киши Мурожаатга қўл қўйди.

«Кросроудс» газетаси ёзади: Мурожаатга қўл қўйган бир ҳарбий хизматчи бундай деди: «Мен яқинда Ҳайдаробод князьлигида қонли урушнинг гувоҳи бўлдим. Бу урушни Ҳиндистондаги ҳукмрон доиралар Теленгана қаҳрамон деҳқонларига қарши олиб бормоқдалар. Ҳайдарободда кўрганларим урушга ва уруш оловини ёқучиларга қарши ғазабимни оширди».

Калайан шаҳрида полиция ходимларидан бир гуруҳи Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиш учун тинчлик тарафдорлари маҳаллий комитетига келди.

Бирқанча газеталарнинг муҳаррирлари Стокгольм Мурожаатига қўл қўйдилар.

«Кросроудс» газетаси Ҳиндистондаги тинчлик ҳаракатига бағишланган бўлимида турли касбдаги, турли маслак ва диндаги ҳиндларнинг жуда кўп хатларини босиб чиқармоқда. Бу хатларда улар инглиз-америка империалистларининг янги уруш тайёрлашини қоралаб, тинчлик учун курашни кучайтиришга чақирмоқдалар.

ҚУРИЯДАГИ ИМПЕРИАЛИСТИК АГРЕССИЯ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ГАРДАНИГА ОҒИР ЮК БЎЛИБ ТУШМОҚДА

Америка Қўшма Штатларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошмоқда

НЬЮ-ИОРК, 11 июль. (ТАСС). Америка империалистларининг Қуриядаги агрессияси муносабати блан америка меҳнаткашларига янги ҳарбий мажбуриятлар юклатилмоқда, улар демократик ҳуқуқлардан яна маҳрум этилмоқда, шу блан бирга озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа хил молларнинг нархи ошиб бормоқда. Нон ёпучи икки йирик корпорация 10 июльда нон нархи ҳар қадоғига бир цент ошганлигини э'лон қилди. Шу блан бирга йирик чакана савдо магазинлари гўшт нархини ҳар қадоғига 1—4 цент оширдилар. Юнайтед Пресс агентлигининг хабарига кўра, бошқа кўпгина молларнинг нархи, шу жумладан сун'ий ипак ва ип нархлари ҳам ошмоқда. Чўчқа гўшти нархи айниқса ошиб кетган. Агентликнинг хабарига кўра, 10 июльда Ўрта Ғарб бозорларида чўчқа гўшти нархи бирданига ошиб, 1948 йил ноябрьдан буёнги энг юқори даражага етган.

Меҳнат министрлиги тузган сўнгги улгуржи нархлар индексига қараганда 3 июльда тамом бўлган ҳафта ичида кузги буғдой нархи 2,5 процент, чўчқа гўшти нархи 14 процент, бузоқ гўшти нархи 8,2 процент ва ёғ нархи 4,3 процент ошган. 10 июльда тамом бўлган ҳафта ичида ҳам нархлар бирданига ошиб кетган. Лекин меҳнат министрлиги ҳали бу давр учун индекс тузгани йўқ.

ҚУРИЯ СОҲИЛИ ДЕНГИЗДАН БЛОКАДА ҚИЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ҲУКУМАТИГА ЧЕХОСЛОВАКИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ЖАВОБ НОТАСИ

ПРАГА, 11 июль. (ТАСС). Чехословакия ташқи ишлар министрлиги америка элчихонасининг 5 июльдаги ахбороти муносабати блан бугун Прагадаги америка элчихонасига нота топширди. Америка элчихонасининг ахборотида Америка Қўшма Штатлари президенти Қурия соҳилини денгиздан блокада қилиш тўғрисида буйруқ берганлиги айтилган эди.

Чехословакия ташқи ишлар министрлиги, — дейилади нотада, — бундай тадбирга қарши норозилик билдиради, чунки бундай тадбир учун ҳечқандай асос йўқ, бу тадбирлар тинчликни бузадиган ҳаракатдир.

Ташқи ишлар министрлиги та'кидлайдики, Чехословакия республикаси ҳукумати шу йил 29 июньда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарига юборган телеграммасида Хавфсизлик Совети а'золарининг қарори, я'ни Америка Қўшма Штатлари президенти мазкур буйруғини бериш учун асос қилиб олган қарор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини қўпол равишда бузганлигини ва қонунга хилоф эканлигини айтган эди. Бундан ташқари, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати қўлида Қуриядаги ўз агрессиясини Хавфсизлик Совети а'золарининг ғайри-қонуний қарори блан оқлаш учун ҳечқандай асос йўқ, чунки президент Трумэн Хавфсизлик Совети ана шу ғайри-қонуний қарорни чиқаришдан илгариёқ америка қуролли кучларига Қурия халқ-демократик республикасига қарши ҳужум бошлаш тўғрисида буйруқ берди.

Шундай қилиб, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотини юз берган воқеа олдида тамошабин қилиб қўйди. Демак, мутлақо равшанки, бу ерда гап Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига мувофиқ қабул қилинган тадбирлар ҳақида эмас, балки Уставга хилоф тадбирлар ҳақида боради.

Сўнгра нотада айтилишича, бирқанча давлатлар Хавфсизлик Советининг қарорини шунинг учун ма'қулладиларки, бу давлатлар Америка Қўшма Штатларининг Узоқ Шарқда кўзда тутган империалистик мақсадларига, ўхшаш мақсадларни кўзда тутмоқдалар, бирқанча давлатлар Хавфсизлик Советининг қарорини Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг очиқдан-очиқ қилган тазйиқи блан ма'қулладилар.

Шундай қилиб, — дейилади нотанинг охирида, — Америка Қўшма Штатлари ҳукумати қурия халқининг мустақиллиги ва бирлигига қарши қуролли интервенция бошлади. Қурия соҳилининг денгиздан блокада қилиниши Америка Қўшма Штатлари ҳукумати бошлаган қуролли интервенциянинг тинчликни бузучи таркибий қисмидир.

ШИМОЛИЙ АФРИКА ДЕМОКРАТИК ТАШКИЛОТЛАРИ ҚУРИЯ ХАЛҚИГА ХАЙРИХОҲЛИК ИЗҲОР ҚИЛМОҚДАЛАР

ПАРИЖ, 10 июль. (ТАСС). «Юманите» газетаси хабар беради: тинчликни ҳимоя қилиш Жазойир комитетининг ташаббуси блан Жазойирдаги турли ташкилотлар, шу жумладан «Демократик эркинликлар тантанаси», «Жазойир манифестининг демократик союзи», Жазойир коммунистлар партияси, «Жазойир мусулмон хотин-қизлари», Жазойир демократик ёшлар союзи биргаликда қуйидаги резолюцияни э'лон қилдилар:

«Тинчликни ҳимоя қилиш Қурия комитетининг чақириғига жавобан, тинчликни ҳимоя қилиш Жазойир комитети Қуриядаги мисли кўрилмаган америка агрессиясини нафрат блан қоралайди. Бу агрессия ўз мустақиллиги ва ўз бирлиги учун курашаётган оз сонли қаҳрамон қурия халқига қарши қаратилгандир.

Бундай агрессия Осиёдаги ва бутун дун'ёдаги барча халқларга америка империализмининг ва бошқа Атлантик аҳди қатнашчиларининг ҳақиқий башарасини очиб беради, шунингдек учинчи жаҳон уруши хавфи кучаяётганлигидан дарак беради».

Мазкур газетанинг хабарига кўра, Марокаш коммунистлар партияси Қурия меҳнат партиясининг Марказий комитетига мактуб юборган. Мактубда жумладан бундай дейилади: «Биз бутун партиямиз ва бутун халқимиз ўз мамлакатингизнинг бирлиги, озодлиги ва мустақиллиги учун, бутун дун'ёда тинчликни сақлаш учун олиб бораётган қаҳрамонона курашингизга қардошларча самимий хайрихоҳлик изҳор қилганлигини сизга билдирамиз».

Дин халқ учун аф'юндир

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Диннинг фикрича, меҳнаткаш мусулмоннинг душмани эксплоататор мусулмон эмас, бошқа диндаги меҳнаткашлардир. Шундай қилиб, дин ҳархил диндаги меҳнаткашларни бир-бирларига душман қилади, уларни бир-бирига тўқнаштиради ва бир-бирига қарши қўяди. Бундан ҳархил диндаги эксплоататорларгина фойдаланадилар, чунки бу блан дин меҳнаткашларнинг синфий онгини пасайтиради, сафларини, бирлигини бузади, уларнинг куч ва қудратини заифлаштиради ва шу блан уларнинг диққатини ўз золимларига, эксплоататорларга қарши курашдан, ўз ҳаётларини яхшилаш учун олиб бориладиган курашдан бошқа жуда зарарли масалага тортади. Маркс ёзган эди:

«... Қур'он ва унга асосланган мусулмон қонунлари бутун дун'ё халқларининг география ва этнографиясини оддий ва қулай икки қисмга, — мўминларга ва беимонларга, — бўлиб ташлаш формуласига олиб келиб қўяди. Беимон одам — «кофир», душмандир, ислом беимонлар миллатини ла'натлайди ва мусулмонлар блан беимонлар орасида тўхтовсиз душманлик ҳолатини яратади ...».

Мамлакатимиз халқларининг сталинча мустаҳкам дўстлиги қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги ма'лум. Бу дўстлик халқларимизнинг енгилмаслигини ва ғалабалардан ғалабаларга боришини та'мин қилган, асосий омиллардандир. Шу ҳам аёндирки, ўзбек халқи ўзининг оғаси улуғ рус халқи блан биргаликда ва унинг қардошларча ёрдами натижасида чоризмни ҳарқандай золимларни ўз елкасидан ағдариб ташлади, зулматни парчалаб ташлади ва оз вақт ичида ҳар соҳада—хўжалик, сиёсат ва маданият соҳасида мислсиз катта муваффақиятларга эришди, социалистик жамият қурди ва собит қадам блан коммунизмга томон бораётир. Большевиклар партияси, рус халқи бўлмаганда эди, улар ўзбек халқига ёрдамлар бермаганларида эди, рус халқи блан ўзбек халқи орасида дўстлик бўлмаганда эди, ўзбеклар йўқ бўлиб кетар эди, ёки инглиз-америка, немис империалистларининг қулларига айланган бўлур эди. Шу нарсаларни билатуриб, ислом дини ва уламолари ўзбек халқини рус халқига қарши қўйишга, уларнинг орасида душманлик, адоват ўрнатишга жуда кўп ҳаракат қилдилар.

Халқларимиз бахтига, большевиклар партияси ва совет ҳукумати халқ душманларининг бу зарарли ҳаракатига абадий чек қўйдилар, халқларимиз орасида дўстлик борган сайин кучайиб, ўзининг олижаноб меваларини бериб келмоқда.

Одамларни диний мансубиятга қараб бўлиш ва ҳархил диндагиларни бир-бирига қарши қўйиш халқларга ёлғиз иқтисодий ва сиёсий масалалардагина зарарли бўлмай, айни замонда маданият масалаларида ҳам ниҳоят даражада ҳалокатлидир. Масалан, ислом дини ва уламолари мусулмон блан мусулмон бўлмаганлар орасида душманлик яратиб, маданият масалаларида бир-биридан ўрганишга, жумладан, ўзбек халқига рус халқининг дун'ёда энг бой ва олижаноб маданиятидан фойдаланишга йўл бермасликка тиришдилар.

Марксизм-ленинизм классиклари айтган эдиларки, динларда тақво масаласи мустасно ўрин тутади. Динлар бу тақволарни муқаддас нарса деб э'лон қилдилар. Динлар бу тақволарни худонинг буйруғи, инсонлар тарафидан худонинг севгисига ва «нариги дун'ёдаги не'матларига» сазовор бўлиш учун бажарилиши зарур бўлган шартлар деб талқин қилади. Диний тақволар инсонларнинг ўз қобилиятларидан тўлиқ фойдаланишга, уларнинг ўзлари учун, жамият учун зарур бўлган моддий ва ма'навий бойликларни кўплаб яратишга, ўз меҳнатларидан ўзлари учун, жамият фойдаси учун тўлиқ фойдаланишга, уларнинг озод яшаш ва нафас олишларига катта зарар ва тўғон бўлди. Диний тақволар, бундан ташқари, меҳнаткашларнинг соғликлари учун ҳам жуда ҳалокатлидир. Диний тақволар, масалан, ислом динида хусусан оғир ва халқ учун ҳалокатлидир. Ба'зи мисолларни келтирайлик.

Ислом дини аёлларни тўла ҳуқуқли одам ўрнида кўрмайди, уларнинг инсоний ҳуқуқларини, қадр-қимматини ниҳоят даражада ерга уради, топтайди. Ислом динича, аёл жамиятдан ташқарида, ичкарида, чачвон-паранжида яшаши керак. Ислом дини аёлнинг ижтимоий-фойдали ишлар блан машғул бўлишини, инсоният тақдирини ҳал қилишда иштирок этишини куфр иш дейди ва ман' этади. Ислом аёлни жамиятдан ажратиб ташлаб, уни паранжи—ичкари балосига йўлиқтириб, ижтимоий ишлабчиқаришдан ташқарида қолдиради ва эрнинг, бола-чақанинг, қозон-товоқнинг оддий қулига айлантириб қўяди. Ислом бу блан қаноатланмасдан, аёлни инсон ақлининг улуғ муваффақияти бўлган фандан, сан'атдан, умуман, маданиятдан ҳам маҳрум этади ва шу блан аёлнинг фикрини зулмат уйига айлантиради, аёлни бадавийлик, хурофийлик жаҳаннамига ташлайди. Буни ислом дини ва уламолари «жаннатий» иш дейдилар. Улар бунга қулоқ солмаганларни қаттиқ та'қибга дучор ҳам этганлар. Улар Маҳсатихоним деган шоирани ажойиб ше'рлар ёзгани учун, музика ва ашулада моҳир бўлгани учун қабиҳ ҳақоратларга дучор қилганлар, қувғинга, ҳатто ўлимга ҳукм этганлар. Ахир, ўзбек совет сан'атининг биринчи ривожланиш даврларида саҳнамизни ўзининг жуда катта маҳорати блан безаган турсунойларнинг ваҳшиёна ўлдирилишида ислом дини ва руҳонийлари асосий ташаббускорлардан эмасмиди?!

Ислом динининг аёлларга бўлган бундай муносабати ҳар нарсадан олдин аёлларнинг ўзи учун ҳечқандай ўлчовга сиғмас фалокатдир, уларни қуллик ва ҳуқуқсизлик, азоб-уқубат ва ваҳшийлик гирдобига ташлайди, уларнинг инсоний ҳуқуқ ва қадр-қимматини йўқ даражага олиб келади. Ахир, битта паранжининг ўзи қанчалик зарарли!

В. ЗОҲИДОВ.
Фалсафа фанлари доктори.

(ДАВОМИ БОР)

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14 июльда Сталин мукофоти лауреати СССР халқ артисти **Ҳалима Носированинг** иштироки блан **Тоҳир ва Зуҳра.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 13 июльда Ўзбекистон ССР халқ артисти **Маҳмуджон Ғафуров** ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Турсуной Жа'фарованинг** иштироки блан **Алпомиш.**

«ИСКРА» (қишки) — 1-нчи залда **Фигаронинг тўйи,** 2-нчи залда рангдор фильм **Дунай фарзанди.**

«ИСКРА» (ёзги) — **Фигаронинг тўйи.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 9 ва 11 да **Рус масаласи.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кечқурун **Сепсиз қиз.**

«РОДИНА» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН», «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 9 гача), «ХЕВА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз), «УДАРНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 дан кеч 8 гача), ёзги «ТЕЛЬМАН» кинотеатрларида

Жуковский

деган янги бадиий фильм кўрсатилади.

«ГРУНТРАЗРАБОТКА» КАРЬЕРИ

шағал-қум исте'молчиларига билдирадики, нархларнинг ўзгариши муносабати блан,

1950 йил 1 июльгача олинган

ТАЛОНЛАР

қайтадан рўйхат қилиниши лозим.

Рўйхат муддати — 1950 йил 1 августгача.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎРТА ОСИЁ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ (САНИИРИ)

ишдан бўшаб ва бўшамай ўқиш учун:

1. Мелиорация, 2. Гидротехника, 3. Ирригация ишларини механизациялаш, 4. Ирригация системаларини эксплоатация қилиш, 5. Гидравлика машиналари

мутахассисликлари юзасидан

АСПИРАНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризалар 1950 йил 15 августгача қабул қилинади. Аризани институт директори номига ёзиш ва қуйидаги ҳужжатларни: 1) таржимаи ҳол, 2) кадрларни ҳисобга олиш варақаси, 3) олий техника ўқув юртини битирганлик ҳақидаги дипломнинг нотариусда тасдиқланган копияси, 4) ҳарбий хизматга муносабат ҳақидаги ҳужжатлар, 5) кейинги иш ўрнидан жамоат-иш характеристикаси, 6) учта фотокарточка, 7) илмий асарлар ёки уларнинг рўйхати ёки реферат қўшиб тақдим қилинади.

Ҳужжатлар 2 нусхада бўлиши лозим.

Ариза ва ҳужжатларни юбориш учун адрес: Тошкент шаҳар, Маяковский переулки, 6-нчи уй.

Чоштепа қишлоқ советидаги 54-нчи раз'ездда турувчи **Амина Хуббиеванинг** шу жойда турувчи Аҳмадсафо Хуббиевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент қишлоқ район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

ТОШКЕНТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1. Инглиз филологияси, 2. Немис филологияси мутахассисликлари юзасидан

АСПИРАНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризани институт директори номига ёзиб, қуйидаги ҳужжатларни: 1) олий ўқув юртини битирганлик ҳақидаги дипломнинг нотариусда тасдиқланган копияси, 2) таржимаи ҳол ва 3 та фотокарточка, 3) икки нусхада кадрларни ҳисобга олиш варақаси, 4) иш ўрнидан жамоат-сиёсий ва иш характеристикаси, 5) нашр этилган илмий асарларининг рўйхати ёки мутахассислиги бўйича реферат, 6) камида 3 йиллик иш стажи ҳақида справка, 7) соғлиғи ҳақида справка, 8) ҳарбий хизматга муносабати бўлган кишилар шу тўғридаги ҳужжатни қўшиб тақдим қиладилар.

Ариза ва ҳужжатлар 1950 йил 1 сентябрьгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 15 сентябрьдан бошланади. Аспирантурага кирувчилар: марксизм-ленинизм асослари, махсус фан ва иккинчи чет тилдан имтиҳон берадилар.

Керакли справкаларни институтнинг илмий секретаридан сўраш мумкин.

Адрес: Тошкент шаҳар, Сапёрная кўчаси, 11-нчи уй. Телефон—33-448.

Тошкент шаҳридаги

ПАЙПОҚ-ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИГА

бош бухгалтер

КЕРАК

Энгельс кўчаси, 43-нчи уйда «Узтекстильтрикотаж» трестига мурожаат қилинсин.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими—32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 04748. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1107.